



МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

36 (253) ● 2013 йил 18 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Юртимизда демократик ислохотларни чуқурлаштиришда ёшлар иштирокини кучайтириш, ташаббускор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларидан бири саналади

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ



Президентимиз томонидан парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда белгиланган устувор вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини оширмақда.

4 ПАРЛАМЕНТ



Ўзбекистон давлат консерваторияси миллий-амалий санъат намуналари асосида зеб берилган, оғирлиги 22 тонналик, дунё микёсида ноёб ва санокли бўлган орган — муסיқа асбобиға эға

8 КЎЗГУ

Хабарлар

Қаршида янги ўқув маркази

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги "Нуристон" академик лицейида Гёте институтининг PASCH — "Мақтаблар: келажак ҳамкорлари" лойиҳаси доирасида ўқув маркази очилди.

— Ушбу марказ лицейимиз ўқувчиларининг немис тилини янада чуқурроқ ўзлаштириши учун кенг имконият яратди, — дейди академик лицей директори Б.Узоқов. — Марказда таълим оладиган ўқувчилар келажакда Германия ва бошқа ривожланган мамлакатлардаги мақтаблар билан ўзаро муносабат ўрнатиш, Ўзбекистон ва Германияда немис тили бўйича малака ошириш имкониятига эға бўлади. Замонавий асосда жиҳозланган ўқув хоналари немис тилида чоп этилган қўлланма ва дарсликлар, газета-журналлар, немисча-ўзбекча, ўзбекча-немисча лугатлар билан таъминланган.

Ғолиблар аниқланди

Андижонда "Келажак овози-2013" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган танловнинг вилоят босқичида 798 нафар ёш иқтидор соҳиблари архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлари ва техник ишланмалар, анъанавий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналишлари бўйича сараланди. Яқунда 43 нафар йигит-қиз ғолиб деб топилди, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди. Тадбир доирасида ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Миллий хунармандчилик ярмаркаси

Пойтахтимизда "Обод турмуш йили"га бағишлаб "MASTER.UZ" номли миллий кўл хунармандчилиги ярмаркаси ташкил этилди.

Ярмаркада юртимизнинг Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган сингари турли вилоятларидан келган эллиқдан ортиқ уста ва хунармандлар ўзларининг муаллифлик ишларини кенг оммага намойиш қилишди. Таъкидлаш лозимки, пойтахтлик хунармандлар асосан ўзларининг замонавий йўналишдаги қимматбаҳо тошлардан ишланган тақинчоқлари, сопол буюмлари, қўлда турли хил шакл бериб табиий тайёрланган хушбўй совун маҳсулотлари, "декупаж" ва бошқа усулларда яратилган ишлари билан қатнашган бўлса, вилоятлик усталар миллий санъат намунаси ҳисобланган каштачилик, заргарлик, сўзана, Чуст пичоқлари, қўғирчоқлар ҳамда ёғоч ўймакорлик буюмлари билан иштирок этишди.

Партия лойиҳаси

Президентимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг энг катта бойлиги бунёдкор халқимиздир. Шу боис юртошларимиз гайрат-шижоати чинакам бунёдкорликка йўналтирилди. Мустиқлик йилларида қўллаб янги ишюотлар, йўллару кўприклар, истироҳат боғлари, маданий-маърифий масканлар бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди. Бугун юртимизнинг қай бир ҳудудиға борманг, ўзгарши ва янгиланишларни кўриб, одамларнинг орзу-ҳавасларини эшитиб, кўнгли шодланади.

Юртимиз бўйлаб амалға оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари Хоразм вилоятида ҳам қизгин кечмоқда. Жумладан, 2012 йилнинг 6 декабрида қабул қилинган "Урганч шаҳрининг бош режасини амалға ошириш, ободонлаштириш ишларини ва Хоразм вилояти аҳолисининг ичимлик суви таъминотини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга асосан шаҳарда 2013-2020 йилларда 1 триллион 600 миллиард сўмлик қурилиш-ободонлаштириш ишларини амалға ошириш белгиланган. Бугун мазкур қарор доирасида амалға оширилаётган ишлар натижасида Урганч шаҳри таниб бўлмас даражада гўзал қиёфа касб этмоқда.

Урганч шаҳрида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг "Партия фаолиятини такомиллаштиришда илғор тажрибаларни ўзаро алмашиш ва оммалаштиришнинг аҳамияти" мавзусида икки кунлик минтақавий сайёр йиғилиши ўтказилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари раҳбарлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари аъзолари, партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Интеллектуал кўрик-танлов

Ёшларнинг партия ва бугунги жараёнга доир

билим ва кўникмалари яна бир бор синовдан ўтказилди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан ҳудудий партия ташкилотлари "Ёшлар қаноти" қошидаги "Ёш сиёсий билимдонлар" клублари ўртасида "Ўзбекистонда ижтимоий-маънавий ва сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида" интеллектуал кўрик-танловининг Республика босқичи ўтказилди.

Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари фаоллари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби аъзолари, кўрик-танловнинг минтақавий босқичлари ғолиб жамоалари, партия электорати вакиллари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.



ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР

уларни ўзаро алмашиш ва оммалаштириш мақсадида ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгашида илк бор минтақавий сайёр йиғилиш бўлиб ўтди



2-бет

Партия ёшларни ўзининг ижтимоий соҳадаги сиёсати марказига қўяди. Ёшлар — бу мамлакат келажги, жамиятнинг таянчи ва ажралмас қисми, у табиий равишда катта авлод ўрниға келади. Партия ёшларнинг салоҳиятини Ватанга хизмат қилишға йўналтиришни ўз вазифаси деб билади.

ЎзМТДП Дастуридан

монлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, ўзликни англашда ёшлар онгу тафаккурида урф-одатларимизға, азаллий қадриятларимизға ҳурмат, улар қалбида Ватанға муҳаббат туйғуларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Негаки, ҳозирги мураккаб ва тахликали замонда миллий қадриятларимизға ётғоялар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашға қаратилган ғаразли хуружлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни хушёр ва огоҳ бўлишға ундайди.

3-бет

Ҳуқуқий эксперимент

Ахборот-кутубхона ва архив фондлари

қонун лойиҳаси такомиллашувида муҳим аҳамият касб этади

"Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, ўз навбатида, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини янада кенгроқ амалға оширишға хизмат қилади.

Ушбу қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибини аниқ белгилаб бериши, аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуннинг манфаатлари иштирок бўлиб боришини таъминлашға қаратилган.

Самарқанд вилоятида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида миллий ахборот-кутубхона ва архив фондлари воситасида маълумотлар тақдим этиш орқали ахборот-кутубхона ва архив фондлари воситасида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Архив агентлиги масъул ходимлари ҳамда вилоятдаги ахборот-кутубхона марказлари ва архив ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев кириш сўзи билан очиб, Концепция асосида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси давлат ҳокимияти очиқлигини таъминлаш, аҳолининг барча қатламлари манфаатларига хизмат қилиши, бунда кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки зарурлигиға эътибор қаратди.

Давра суҳбатида ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отмуратов сўзға чиқиб, жумладан, шундай деди:

— "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуннинг жорий этилиши ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлиги, ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда Президентимиз Фармойиши билан белгиланган вазифалар Бухоро ва Самарқанд вилоятлари негизлаб берилган, аҳолининг жамоатчилик жараёнида босқичма-босқич амалға оширилмоқда. Ҳуқуқий экспериментнинг аҳамияти, қонун лойиҳаси мазмун-моҳияти, нормаларни амалда қўллашдаги имкониятларни кенг аҳоли қатламларига тушунтиришда ЎзМТДП фаоллари ҳам фаол иштирок этмоқда. Зеро, партия дастури ва сайловолди Платформасида электорат манфаатларига мос қонунлар қабул қилиши, уларни қўллаб-қувватлаш сингари устувор вазифалар белгиланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдуғафур Маматов "Миллий ахборот маконини шакллантиришда ахборот-кутубхона ва архив фондларнинг ўрни ва роли" мавзусида маъруза қилди.


— Мамлакатимизда амалға оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар, мамлакатни модернизация қилиш, демократик янгиланиш, очиқ ва кучли фуқаролик жамияти қуришнинг энг муҳим йўналиши бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолиятдан мунтазам хабардор қилиб бориш ушбу қонун лойиҳасининг асл мақсади ҳисобланади.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, Қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қарор қабул қилишдаги жавобгарлигини оширади, фуқароларнинг қонун фаолияти тўғрисида хабардор бўлиш ҳамда ахборот олишға бўлган конституциявий ҳуқуқини янада тўлиқ амалға ошириш имконияти яратилади. Қонун лойиҳасида ахборот олишнинг восита ва усуллари, шакллари, жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида хабардор қилиш тартиб-тамоиллари ҳам белгиланган.

4-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Партия лойиҳаси



ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР

уларни ўзаро алмашиш ва оммалаштириш мақсадида ЎЗМТДП Хоразм вилоят Кенгашида илк бор минтақавий сайёр йиғилиш бўлиб ўтди

(Давоми. Беша 1-бетда)

Тадбир иштирокчилари дастлаб, ЎЗМТДП Хоразм вилоят ва Урганч туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси ҳамда Урганч шаҳридаги тиббиёт бирлашмаси 1-бўлимида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти фаолияти билан яқиндан танишдилар. Бу ерда иштирокчиларга бошланғич ташкилотнинг партия электорати манфаати билан боғлиқ масалаларга ечим топишда фаоллик кўрсатиши, кўйи бўғинда ишни тўғри ташкил этиш, маҳаллий партия кенгашлари ва депутатларнинг бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорлигини ошириш борасида аниқ механизм ишлаб чиқиш, илғор тажрибалар ҳақида амаллаштириш каби масалалар бўйича амалга оширилган ишлар ва тажрибалар ҳақида ба- тафсил маълумотлар берилди.

Шундан сўнг вилоят Маънавият ва маърифат маркази маж- лислар залида ўқув-семинар ташкил этилди. Амалий семи- нарда асосий эътибор худудий ва бошланғич партия ташки- лотлари ўртасида илғор тажри- баларни алмашиш ва уларни оммалаштириш масаласига қаратилди. Партия фаолияти- ни янада кучайтиришнинг дол- зарб вазифалари атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбирни ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раис- и Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очиб, куйидегилар- ни таъкидлади:

— Мустақил тараққийёт йил- ларида юртимизда ҳуқуқий де- мократик давлат қуриш ва куч- ли фуқаролик жамиятини шакл- лантириш борасида кенг қўламли, изчил ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, мамлакатимизда сиёсий соҳани эркин- лаштириш жараёнида кўппартия- вийлик тизимининг шаклланти- рилиши сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобатни юза- га келтирди. Мазкур жараёнда ўз сафига барқарор ва уйғун миллий ривожланиш ғояларига садоқатли ижодкор зиялилар- ни, маданият соҳалари ходим-

ларини, энг аввало, миллий ғояга, миллий-маънавий ва умуминсоний қадриятларга содик, ватанимизнинг миллий манфа- атларини ҳимоя қиладиган, ҳал- қимизнинг ўтмишидан фахр- ланадиган ва буюк келажагига ишонадиган ватанпарварларни бирлаштирган ЎЗМТДП ўз дастурий мақсадларидан келиб чиқ- қан ҳолда фаол иштирок этишга интилмоқда.

Айни кунда 433 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган, 14 681 нафар аъзога эга бўлган партия Хоразм вилояти Кенга- шига партиявий фаолият бир- мунча яхши йўлга қўйилган. ЎЗМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган ва- зифаларни амалга ошириш, партия ғоясини кенг тарғиб қилиш борасида бир қатор амал- лий ишлар қилинган. Партия таш- килотлари ва депутатлик гуруҳ- лари ўртасида ўрнатилган мус- таҳкам алоқа натижасида партия электоратини уйлантираётган масала ва муаммолар депутат- лар томонидан сессиялар кун тартибига олиб чиқилмоқда.

Айтиш жоизки, партияимиз ғояси ва дастурий мақсадлари ҳамда сайловолди Платформа- сида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда партия ташкилотлари ва улар ўртаси- даги ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда тажриба алмашиш муҳим ўрин тутди. Шу боис партия ташкилий ту- зилмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, куйи бўғин- лар, туман, шаҳар, вилоят ва Марказий Кенгашгача бўлган алоқани кучайтириш ҳамда уларнинг ўзаро изчил ишлаши- га эришиш олдимизда турган долзарб масалалардан бири- дир. Бу партиянинг ўз электо- рати манфаатларини самарали ҳимоя қилиши ва натижада жамиятда мустаҳкам ўрин эгал- лашига ёрдам беради.

Депутатларимиз билан сай- ловчиларнинг алоқасини мус- таҳкамлашда бошланғич партия ташкилотларининг ролига ало- ҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки, куйи бўғинлар сайлов- чилар талабларини депутатга етказишда, жойларда муаммо-

ларни кўра билишда алоҳида ўрин тутди. Шу боис бошлан- гич партия ташкилотининг ҳар бир ташаббуси ва таклифига партия туман кенгаши ва депу- татлик гуруҳлари алоҳида эъти- бор қаратиб, уларни ҳаётга тат- биқ қилиш учун биргаликда ҳаракат қилишлари лозим бўла- ди. Шунда ташаббуси амалга ошаётгани ва қўллаб-қувватла- наётганини кўрган бошланғич партия ташкилоти аъзолари- нинг фаоллиги, жонқурлиги ва масъулияти янада ошади. Бу эса ўз навбатида, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан олиб борилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз, - деди партия раҳбари.

Йиғилишда сўзга чиққан ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Ар- слон Эшмуродов юртимизда ке- чаётган демократик ислохотлар жараёни депутатлик гуруҳлари эътиборини қаратишга, ҳудудлар- ни ижтимоий-иқтисодий ривож- лантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш- да фаол иштирок этиши лозим- лигини таъкидлади.

Семинарда партия вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раис- и Баҳодир Бобоҷонов “ЎЗМТДП Хоразм вилоят Кен- гашининг иш тажрибаси” мав- зуида маъруза қилди.

— Мустақиллик йилларида серкўёш диёримизнинг бошқа вилоятлари сингари Хоразм ви- лояти ҳам барча жабҳаларда ўсиш, юксалиш йўлидан дадил бормоқда. Мазкур жараёнлар- да сиёсий партиялар ҳам ўз ҳиссаларини кўшишга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, Ўзе- бистон “Миллий тикланиш” де- мократик партияси вилоят Кен- гаши ва ҳалқ депутатлари ви- лояти, шаҳар ва туманлар Кен- гашларидаги депутатлик гуруҳ- лари фаоллик кўрсатишга ин- тилмоқда. Зеро, маҳаллий кен- гашларга сайланган депутат- ларнинг ўз сайловчилари ман- фаатларини сидқидилдан

ҳимоя қилиши партияимизнинг обрўсини таъминлайдиган омиллардандир.

Депутатларимиз томонидан ўтган даврда бир қатор масала- лар худудий ва маҳаллий Кен- гашлар сессияларига ташаббус- масала сифатида киритилди. Жумладан, жорий йилнинг би- ринчи ярим йиллигида Хоразм вилоят партия ташкилотлари то- монидан 500 дан зиёд тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, унга 63 минг нафарга яқин партия- миз хайрихоҳлари жалб қилин- ди. Шовот, Янгиарик, Қўшқўпир, Хонқа туманларида депутатла- римизнинг фаоллиги боис ҳалқ депутатлари туман Кенгашлари сессияларида 5 та масала кўриб чиқилди.

Қайд этиш жоизки, фаолия- тимизда ютуқлар билан бира амалга оширишимиз лозим бўлган масалалар ҳам талайги- на. Мазкур семинар ижросини руҳи билан яшаётган Ўзбекис- тонимизнинг турли худудлари- да ташриф буюрган партия дошларнинг бебаҳо маслаҳат- ларини олиб, улардан келгуси фаолиятимизда ютуқларимиз қалити сифатида фойдаланиш- да муҳим аҳамият касб этади, - деди хотик.

— Бугун сиёсий партиялар ўртасида кечаётган рақобат жа- раёнида ҳар бир партия ўз да- стурий мақсадлари ва сайло- волди Платформасида илгари сурилган вазифалар ижросини таъминлашда бошланғич партия ташкилотларининг кўмагига таяниши муқаррар, - деди ЎЗМТДП Қўшқўпир туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раис- и ўринбосари Мехрибон Тил- лаева.

— Партия мафкурасини тарғиб қилиш, сайловчиларга янада яқинроқ бўлишда бош- ланғич партия ташкилотлари фаоллиги муҳим аҳамият касб эташини инобатга олиб, улар фаолиятини янада жонланти- риш, ЎЗМТДП электорати ва иж- тимоий қатлами билан ишлаш усулларини такомиллаштириш, куйи бўғинлар етакчиларининг билим ва малакасини ошириш борасида туман Кенгашимиз томонидан муайян ишлар амал- га оширилмоқда. Жумладан,

ўтказилаётган қатор тадбир ва ўқув-семинарларда партия электорати билан ишлашда БПТ томонидан эътибор қаратили- ши лозим бўлган жиҳатлар, ху- сусан, партия ғоясини аҳолига чуқур етказишда тарғибот иш- лари олиб боришнинг ноанъа- навий шакллари ҳақида маълумотлар берилмоқда. Бундан ташқари партия ташкилоти, ҳалқ депутатлари туман Кенга- шига ЎЗМТДПдан сайланган де- путатлар ва куйи бўғинлар ўрта- сидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Натижада куйи бўғинлар фаолиятида анчайин жонланиш сезилмоқда.

Очик мулоқот тарзида ўтган амалий семинар таклиф ва фикр-мулоҳазаларга бой бўлди. Семинар кун тартибидан кўриб чиқилган ҳар бир масала бўйича партия вилоятлар Кенгаш- лари раҳбарлари томонидан конструктив таклифлар берил- ди. Тадбир сўнгида мазкур так- лиф ва фикр-мулоҳазалар асоси- да партия фаолиятини янада такомиллаштириш, худудий партия ташкилотларининг элек- торат манфаатларини ҳимоя қилиш, партия ташкилотлари- ро алоқаларни янада мустаҳ- камлаш юзасидан янги усул ва механизмлар ишлаб чиқилди.

Минтақавий сайёр йиғилиш доирасида иштирокчилар Ур- ганч шаҳрида амалга ошири- лаётган бунёдкорлик ва яра- тувчанлик ишлари ҳамда Хива- даги “Ичан-Қалъа” давлат муз- ей-қўриқхонаси билан яқин- дан танишдилар. Партия фаол- лари Президентимизнинг “2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги, “Урганч шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, ободонлаштириш ишларини ва Хоразм вилояти аҳолисининг ичимлик суви таъминотини туб- дан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “2013-2015 йил- ларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш Дас- тури тўғрисида”ги қарорлари асосида вилоят миқёсида амал- га оширилаётган кенг қўламли ишлар билан танишдилар.

Емберген БАУЕТДИНОВ, ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони раҳбари: — Партия фаолиятини такомиллаштиришда ўзаро илғор тажриба- ларни алмашиш ва оммалаштиришга қаратилган семинар восита- сида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган асосий чора- тадбирлар ҳақида кенг қўламли маълумотлар олдик. Тарғибот- ташвиқот ишларини кучайтириш орқали ЎЗМТДП мақсад ва вазифа- ларини оммага етказиш бўйича фикр алмашдик. Шунингдек, Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмаси 1-бўлимида ташкил этилган куйи бўғин фаолияти билан танишиш асосида мазкур бошланғич партия ташкилоти эришаётган ютуқларда депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутётганига гувоҳ бўлдик. Биз ҳам фаолиятимизда айни шу жиҳатларга янада кўпроқ эътибор қарати- шимиз лозим, деган фикрга келдик.

Абдуқуддус АБАЕВ, ЎЗМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони раҳбари: — Илк бор ўтказилган мазкур минтақавий сайёр йиғилиш парти- ямиз фаолиятида янги тажриба бўлди. Хусусан, партия Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девонида ташкил этилган ўқув- услубий маркази фаолияти иштирокчилар эътиборини тортди. Яъни худудий партия ташкилотлари вакиллари барча вилоят ва туман кенгашларида мазкур тажриба йўлга қўйилса мақсадга муво- фиқ бўлишини эътироф этдилар.

Тадбирда худудий партия ташкилотлари томонидан фаолияти- мизни янада кучайтиришга қаратилган қатор таклифлар ўртага ташланди. Уйлаймизки, бу каби тадбирлар келгуси фаолиятимизда барчамизга асқотади.

Сайфулла МАХМАТЎМИНОВ, ЎЗМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раҳбари: — Партия фаолияти улкусиз тарғиботни талаб этади. Шу жиҳатдан мазкур тадбир жуда керакли ва ўринли пайтда ўтказилди. Амалий машғулотлар давомида Хоразм вилоятидаги намунавий партия таш- килотлари фаолияти билан танишдик. Бу эса, айниқса, маҳаллий кенгашлар учун ўзаро тажриба алмашиш имконини берди.

Маннон ТҲУТАЕВ, ЎЗМТДП Бухоро вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони раҳбари: — Худудий партия ташкилотлари томонидан илғор партия таш- килотлари иш фаолиятини бориб ўрганиш ва бу тажрибаларни оммалаштириш мақсадида биринчи марта ташкил этилаётган минтақавий сайёр йиғилиш фаолиятимизни янги bosқичга кўта- ришга хизмат қилади. Ўтказилган семинар яна шуниси билан аҳамиятлики, республиканинг турли вилоятларидан ташриф бу- юрган партия ходимлари бугунги кунда Хоразм вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишдилар. Аж- долларимиз томонидан бунёд этилган Хивадаги тарихий ёдгор- ликлар бизда катта таассурот қолдирди. Бундай ўқув-семинарлар партия ташкилотлари иш фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Даврон САҒАРОВ, ЎЗМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони раҳбари: — Семинар давомида фаолиятимизга доир мақсад ва вазифа- ларни белгилаб олдик. Хусусан, партия ташкилотлари ва депутат- ларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қарати- шимиз лозим. Шунингдек, партия Хоразм вилоят Кенгаши фао- лияти билан танишиш давомида тендлар ва ўқув услубий жараён- ларни ўтказиш борасида илғор тажрибаларини намуна сифати- да кўрсатиш мумкинлигига амин бўлдик. Тадбир доирасида кўна Хивага саёҳат ташкил этилган семинарни хотирамизда узоқ вақт мустаҳкамлашиб қолишига сабаб бўлади.

Сардор РАСУЛОВ, ЎЗМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони раҳбари в.б.: — Мамлакатимиздаги улкан сиёсий воқелик — сайловлар тобора яқинлашиб келар экан, электорат ишончини оқлаш, хайрихоҳлари- миз сафини кенгайтириш орқали сайловда муваффақиятга эри- шиш асосий мақсадимиз ҳисобланади. Бу жараёнда ўзаро тажриба алмашиш, ютуқларни оммалаштириш орқали фаолиятимизни янги bosқичга кўтариш мумкин.

Семинарда маҳаллий кенгашлар бошланғич ташкилотлари фао- лиятини такомиллаштириш, депутатлар ва сайловчилар ўртасида- ги муносабатларни янада мустаҳкамлаш борасида билдирилган фикр-мулоҳазалар келгуси фаолиятимизда қўл келиши шубҳасиз.

Азим ЁРҚУЛОВ, ЎЗМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони раҳбари: — Минтақавий сайёр йиғилишда фаолиятимиз учун зарур бўлган маълумотлар олиш баробарида партия ташкилотлари маҳаллий кенгашлари олдига қўйиладиган вазифалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашдик.

Худудлар кесимида партияимиз электорати бўлган фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида ютуқларга эришган ёшлар ва аёлларнинг рўйхатини шакллантириш ҳамда улар иштирокида тур- ли қизиқарли тадбирлар ташкил этиш орқали партия хайрихоҳлари- ни кўпайтиришга эришиш мумкинлиги эътироф этилди.

Рўзимбой ЭШЧАНОВ, ҳалқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги ЎЗМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари: — Партия Марказий Кенгаши томонидан илк бор ўтказилаё- тан мазкур сайёр йиғилиш худудий партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Ўрни келганда ай- тиш жоизки, депутатлик гуруҳимиз аъзолари Ўзбекистон Ре- спубликаси Президенти Фармон ва қарорлари, қонунлар ҳамда Давлат дастурларининг вилоятдаги ижросини таъминлашда фаол иштирок этишга интилмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори ижро- сини таъминлаш юзасидан партия фаоллари ва депутатлик гуруҳи томонидан вилоят Кенгаши сессиясига Хазорасп ва Сулаймон қалъани қайта тиклаш, уни туристик маршрутга қўшиш ҳамда “Хазорасп қалъаси” музейини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Эътибор- лиси, мазкур масала бўйича тегишли қарор қабул қилиниб, ҳозирда унинг ижросини таъминлаш юзасидан саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган.

Муборак АБДУЛЛАЕВА, ҳалқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат, бошланғич партия ташкилоти етакчиси: — Бугун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида рўй бераётган янги янги ва ўзгаришлар жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Бу эса ҳар бир партия фаолиятимизга ўзига хос масъулият юклаши шубҳасиз. Шу нуктага назардан мазкур минтақавий сайёр йиғилиш фаолиятимизни янги bosқичга кўтаришга хизмат қилади. Боиси ўзаро тажриба алмашиш имконини берган мазкур тадбир иш фаолиятимизга яна бир қарра танқидий-тахлилий назар солиши- мизга имкон беради.

Қамолддин ХОТАМОВ, “Milliy tiklanish” мухбири

Юксак маънавий тарбия — комиллик асоси

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ва вилоят маънавият ва маърифат кенгаши ҳамкорлигида юксак маънавий тарбия — инсонни инсон қиладиган асосий мезон мавзусида семинар ташкил этилди.

Унда Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 31 август куни «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида жамоатчилик вакиллари билан суҳбатда қайд этилган вазифаларнинг ижросини таъминлашга доир масалалар муҳокама этилди. Семинарда Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрамига бағиш- лаб “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” ширини остида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этган Қашқадарё вилояти жамоатчи тарғиботчилар гуруҳи вакиллари, олимлар, ўқитув- чилар, маҳалла фуқаролар йиғинла- ри раислари, талаба-ёшлар ишти- рок этди.

Маркази раҳбари Ф.Мирзаев, Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Ж.Исмоилова, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М.Куронов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида- ги Давлат бошқаруви академияси проректори Қ.Куронбоев ва бошқа- лар ўтган йиғирма икки йиллик тараққийёт йиллари давомида муста- қиллик миллий ўзлгимиз, ор-ному- симиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида барча ҳамюртларимизнинг қалбидан мустаҳкам жой олганини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг барча худуд- ларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” деган ширини ўзида муҳим асос этган маданий-маърифий тадбирлар тизимли асосда ўтказил- ди. Тадбирлар давомида мустақил- лик, энг аввало, ҳуқуқ экани, юр- тимизда яшаётган барча фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъмин- лашнинг асосий омилли экани аҳоли- нинг барча қатламлари, айниқса, ёшларга ёрқин ва таъсирчан мисол- лар ёрдамида очиб берилди.

Давлатимиз раҳбари “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуида бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт, унинг ўткир талаб- лари маънавият соҳасида янги-янги вазифаларни олдимизга қўяётгани- ни таъкидлаб, бутун дунё миқёсида инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш қучайиб бораётган ҳозирги мураккаб шароитда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадрият- ларга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларни бузғунчи ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этаётгани

барча зиёлилар, айниқса, маънавият тарғиботчилари зиммасига улкан ва масъулиятли вазифалар юклашига эътибор қаратди. Айни пайтда ён- атрофимизда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга, турли йўллар билан олиб борилаётган ғоявий хуруқлар- га нисбатан ҳамшиша огоҳ ва ҳушёр бўлиш давр талабига айланди.

Семинарда Президентимизнинг “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” рисоласи мазмун-моҳиятини тарғиб этишда маънавият тарғибот- чиларининг вазифалари, минтақа- вий хавфсизликни таъминлаш - Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг бош мақсади, турли таҳдидлар ва уларга қарши кураш- ни долзарб масалалари, муста- қиллик йилларида ёшлар учун яратилган имкониятлар, Қашқадарё вилоятида олиб борилаётган маъна- вий-маърифий ишларга оид маъру- залар тингланди.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

Интеллектуал кўрик-танлов

Ёшларнинг партия ва бугунги жараёнга доир

билим ва кўникмалари яна бир бор синовдан ўтказилди



(Давоми. Боши 1-бетда)

Ёш авлодни эзгу ғоялар атрофида бирлаштириш, қизиқш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, салоҳиятларини жамият равиши йўлида сафарбар этишга рағбатлантириш партиянинг ёшлар сиёсати йўналишидаги устувор вазифаларидан саналади. Бу борада партия Марказий Кенгаши томонидан қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бунинг ижобий самараси Уларок, партиянинг сафига бирлашаётган ижтимоий-сиёсий фаол ва ташаббускор ёшлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Хусусан, айни кунда 167 минг нафардан ортиқ ЎзМТДП аъзоларининг қарийб 48 фоизини ёшлар ташкил этишмоқда. Аънаванав тарзда ўтказиб келинаётган мазкур кўрик-танлов ёшлар ўртасида ЎзМТДП ғояси, мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилиш, «Ёш сиёсий билимдонлар» клуби фаолиятини янада ривожлантириш, ёшларни партия сафига жалб этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини бойитиш, дунёқарабини кенгайтириш ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қилмоқда, - деди партия етакчиси.

Кўрик-танлов доирасида ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларини тарғиб этувчи миллий хунармандчилик махсулотлари

кўргазмаси ҳамда расмлар галереяси намойиш этилди.

— ЎзМТДП сайловолди Платформасида халқимизнинг тарихий, маданий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларни миллий аъёнлар, урф-одатларга нисбатан ҳурмат ва шу орқали уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашиш сингари муҳим вазифалар белгиланган, - деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев. — Партия ёшларни ҳамisha ўзининг ижтимоий соҳадаги сиёсати марказига қўяди. Бу борада ЎзМТДП «Ёшлар қаноти»нинг ҳаётга тадбиқ этилаётган амалий лойиҳалари ёрдамида ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, уларнинг эҳтиёж ва қизиқишларини ўрганиш, манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашилмоқда.

Танловда минтақавий босқичда голибликни қўлга киритган 7 та - Қорақалпоғистон Республикасининг «Жайхун», Андижон вилоятининг «Андижон зукколари», Бухоро вилоятининг «Ёш сиёсатчилар», Жиззах вилоятининг «Устуршопа», Навоий вилоятининг «Истиқлол», Сурхондарё вилоятининг «Парламент» ҳамда Тошкент шаҳрининг «Пойтахт ёшлари» жамоалари ўзaro куч синашди. Иштирокчи жамоалар ўз чиқишлари орқали ЎзМТДП Устави, Дастури ва сайловолди Платформаси, Ўзбекистон Республикаси Конституция-

си, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси», «Юксак маънавият — энгилмас куч» ва «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асарлари билан қай даражада таниш эканликларини намойён этидилар. Шунингдек, турли саҳна кўринишлари воситасида худудлардаги ўзига хос аънава ва қадриятлар, урф-одат ва маросимлар намойиш этилди. Айниқса, жамоаларнинг «Обод турмуш йили» га бағишлаб тайёрлаган саҳна кўринишларида бугунги кунда айрим оилаларда учраётган нуқсон ва камчиликлар ўз аксини топди.

Кўрик-танлов ёшларнинг ўзарo баҳс-мунозара ва мулоқотларига бой амалий руҳ ва жонли тарзда ўтди. Таниқли санъаткорлар ва партияга аъзо бўлган ижодкорларнинг чиқишлари тадбирнинг янада қизиқарли бўлишини таъминлади. Яқунда ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши «Ёш сиёсий билимдонлар» клубининг фаол аъзоларидан иборат «Жайхун» жамоаси голибликни қўлга киритди. Иккинчи ўринни «Андижон зукколари», учинчи ўрин эса Навоий вилоятининг «Истиқлол» жамоасига насиб этди. Голиблар ва иштирокчи жамоаларга Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгашининг дипломи ҳамда эсдалик совғалари топширилди.



Дониёр ТОШБОЕВ, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони бўлими бошлиғи, кўрик-танловнинг ҳакамлар ҳайъати аъзоси:

— Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштиришда ёшлар иштирокини қучатириш, ташаббускор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий билимлари ва дунёқарабини юксалтиришга кўмаклашиш партиянинг дастурий мақсадларидан саналади. Мазкур кўрик-танлов ёшларда сиёсий билим ва дунёқарабини ўстириш, мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнларга уларни кенг жалб этиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлашни ўз олдига мақсад қилган. Шу билан биргаликда, миллий қадрият ва аънаваларни асраб-авайлаш сингари ЎзМТДП дастурий мақсад ҳамда вазифаларини ёшлар орасида кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, ўсиб келаётган авлод оғида миллий ўзликдан фахрланиш, гурурланиш туйғуларини юксалтиришга қаратилган.

Саламатдин АЙТОВ, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши «Ёшлар қаноти» фаоли, «Жайхун» жамоаси аъзоси:

— Юртимизда ёшларнинг интилиши, иқтидорини ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур кўрик-танлов ёш авлод вакилларининг сиёсий етакчилиги ва ташаббускорлик маҳоратини ошириш, интеллектуал салоҳиятини намойён этиш, жамиятда муносиб ўрин топишга кўмаклашишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Уйлаймики, ушбу тадбир тенгдошларимизнинг сиёсий етакчилиги ва ташаббускорлик маҳоратини ошириш, уларнинг ҳуқуқий билимини бойитиш ҳамда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда ўзига хос туртки бўлади. Голибликни қўлга киритганимиз клубимиз ютуғи бўлиши билан бирга, катта масъулият ҳамдир. Бойиси, энди партия ғоя ва дастурий мақсадларини тенгдошларимиз ўртасида тарғиб қилишни янада қучайтиришимиз лозим бўлади.

Моҳирун РАИМЖОНОВА, ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши «Ёшлар қаноти» фаоли, «Андижон зукколари» жамоаси аъзоси:

— Мазкур танлов ёшларни ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаоли иштирокчиси, тарғиботчиси бўлиш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада ошириш имконини беради. Бундан ташқари биз ёшларга миллий гурур, бой тарихимиз, улғу боёқалонларимиз мероси ва бугунги кун билан янада фахрланиш, гурурланишни ўргатди. Қолаверса, тадбир сабаб бошқа вилоятлардан келган тенгдошларимиз билан ўзарo фикр алмашдик, баҳслашдик ва дўстлик ришталарини боғладик.

Барчиной САФАРОВА, ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши «Ёшлар қаноти» фаоли, «Парламент» жамоаси аъзоси:

— Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан аънаванав тарзда ўтказиб келинаётган мазкур кўрик-танлов ёш иқтидорлар беллашуви, истеъодлар синовини, десак муболага бўлмайди. Ушбу танлов партия дастурида белгиланган ёшлар сиёсатини амалга ошириш, миллий қадриятларимиз, урф-одат ва аънаваларимиз, миллий ғоя ва мафкура асосида ёшларнинг маънавиятини янада бойитиш борасида тажриба орттириш имконини берди.

Қамолитдин САИДУЛОВ, «Milliy tiklanish» мухбири

Хроника

Партиявий ғоя ва вазифалар

тарғибот тадбирлари воситасида амалга оширилмоқда

ҚАШҚАДАРЁ

Миллатимиз маънавий қиёфаси, орзу-интилишлари, тарихи ва маданиятини намойён этувчи миллий меросимизни ёшлар оғида чуқурроқ сингдириш, уларни тарихий ва замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашга кўмаклашиш муҳим дастурий вазифалардан саналади.

ЎзМТДП Китоб туман Кенгаши ташаббуси билан «Аждодлар мероси - келажак пойдевори» мавзусида ташкил этилган давра суҳбати ҳам айни шу мақсадга қаратилди. Тадбирда партия туман Кенгаши ҳамда «Паландара» қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари, меҳнат фахрийлари ва ёшлар иштирок этди. — Биз дунё тамаддунига катта ҳисса қўшган буюк аломулар, олиму мутафаккирларнинг ворислари эканимиздан фахрланамиз, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Д.Қодирова. — Асрлар оша бизгача етиб келган улғу аждодларимизнинг илмий, моддий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ўрганиш ҳамда келгуси авлодларга қолдириш партия сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалар сирасига кириди. Ушбу дастурий мақсадлардан келиб чиқиб, миллий қадриятларимиз, шонли ўтмишимиз, бетакрор қадриятларимизни тараннум этишга, уларни асраб-авайлашга қаратилган қатор тарғибот тадбирларини ўтказиб келямиш.

Таъкидланганидек, партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва эришилган ютуқларини улғайтириб келаётган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларда юртимиз тарихи ва халқ аънаваларига нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини йўғотиш келажак ворисларининг ватанпарвар, юрт тақдирига дахлдор, миллий ғоямизга содиқ бўлиб воғга етишларида хизмат қилиши шубҳасиз.

БУХОРО

ЎзМТДП Олот туман Кенгаши ташаббуси билан «Партия матбуот хизмати ходимларининг ОАВ билан ҳамкорлиги: замонавий ва самарали усуллар» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда партия Олот туман Кенгаши аъзолари, туман маънавият ва тарғибот бўлими ходимлари, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Маълумки, партия нашрлари партия фаолиятини акс эттирувчи, сайловолди Ҳаракат дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар асосида жойларда қандай ишлар амалга оширилаётганини кенг оммага таништириб, халқнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширувчи воситадир, - деди тадбирда сўз олган партия туман Кенгаши раиси ўринбосари Ф.Нарзуллаев. — Партия нашрларининг мустақиллигини ва фаолият самарадорлигини бундан буён ҳам таъминлаб бориш, уларнинг халқимиз ноёб маданий ва маънавий қадриятларини тарғиб қилишдаги ролини янада қучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, маҳаллий Кенгашларда фаолият кўрсатаётган матбуот хизматларининг ишини тўғри ташкил этиб, партия нашри билан ҳамкорликни янада яхшилаш лозим. Бу борада матбуот котибларининг малага ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, кадрлар захирасини яхшилаш лозимлиги алоҳида эътиборга эриштирилди. Таъкидланганидек, партия матбуот котибларининг партиявий билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган ўқув-семинарларни изчил ташкил қилиб туриш мақсадга мувофиқдир.

Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва модернизация жараёнларида ЎзМТДПнинг иштирокини янада кенгайтириш, партия электротини қизиқтирган ҳамда уларни ўйлантираётган айрим жиҳатларни ўзида акс эттирган, тахлилӣ материалларни янада кўпайтириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Йиғилиш сўнгида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгиланди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

— Мустақиллик билан ҳаққамда улғайтиб келаётган ёшларнинг дунёқараши ва маънавиятини юксалтириш, улар қалбига миллий ғоя ва демократик қадриятларни мустаҳкамлаб, юксак мақсадлар сари интилиш ва ташаббусларини рағбатлантириш партиянинг устувор вазифаларидан саналади, - деди ЎзМТДП Тошкент шаҳар ва Яққасарой туман Кенгаши ҳамда Яққасарой туман ҳокимлиги томонидан «Қадр-қimmatи, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шiori остида ташкил этилган тадбирда сўз олган партия Яққасарой туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси М.Тoштемiрoв.

Таъкидлаш ўринлики, давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли униб-ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари барча баҳаларда муваффақият қозониб, юртимизга муносиб авлод бўлиб улғайишмоқда. Шу жиҳатдан партиянинг сайловолди Платформасидан келиб чиқиб, ёш авлод вакиллари ҳар жиҳатдан рағбатлантириш, уларнинг истеъдод ва қобилиятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш борасида амалга ошираётган ҳаракатларимизни янада қучайтиришимиз лозим.

Тадбирда ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этишда маҳаллий Кенгаш депутатлари янада фаол, масъулиятли бўлишлари лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда партия Тошкент шаҳар ва Яққасарой туман Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, туман ҳокимлиги вакиллари ҳамда «Авлоний», «Тўқимачи» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирок этди.

АНДИЖОН

ЎзМТДП Жалақудук туман Кенгаши ташаббуси билан «Ўзбекистон — Ватаним менинг» мавзусида ёш мусаввирлар танлови ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши «Ёшлар қаноти» ва «Аёллар қаноти» аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ва маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирок этди.

Тадбирни партия Жалақудук туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Д.Иминжонова кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди: — Маълумки, партиянинг сайловолди дастури ёш авлоднинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, уларни миллий қадриятларимизга содиқ руҳда тарбиялаш мақсадларини қўзда тутди. Миллий қадриятларимизни дунёга намойиш этишда мусаввирларнинг ўрни беқиёс. Шу сабабли мамлакатимизда бошқа амалий санъат турлари қаторида мусаввирликка ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Миллий қадрият ва аънаваларимиз акс эттирилган бугунги расмлар танлови ҳам иқтидор эгаларини аниқлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди. Таъкидланганидек, мусаввирларнинг миллий қадриятлар ва аънаваларни дунёга намойиш этишдаги ўрни беқиёсдир. Шу боис мамлакатимизда соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, марказда ва жойларда ёшлар ижодий марказлари ва кўргазма заллари бунёд этилмоқда. Ушбу мақсадларда қўллаб-қувватлаш эгалари ўз маҳоратларини оширишмоқда.

Кўргазма давомида ёш мусаввирларга Қамолитдин Бехзод ижодида оид асарлар намойиш этилди.

Ташкил этилган кўргазма ҳамда ёш мусаввирлар томонидан чизилган тасвирий санъат намуналари ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди. Голиблар партия туман Кенгаши томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шаҳзод ГАФФОРОВ, «Milliy tiklanish» мухбири

Тарихдан маълумки, юртимиз «Буюк илқ йўли»нинг марказида жойлашган бўлиб, илм-фан, савдо-сотиқ, сайёҳлик ва бошқа ижтимоий-иқтисодий алоқалар ривож топган мамлакат сифатида ўзининг энг қадимий ва гўзал шаҳарлари билан дунёда ном қозongan. Биринчи ЮНЕСКО рўйхатида киритилган қадимий оқиқ осмон остидаги музей шаҳарларининг бештаси бизнинг юртимизда жойлашгани ҳам унинг цивилизация ўчоқларидан бири бўлганини аниқлатади.

Бу шаҳарларнинг бири Термиз шаҳридир. Сурхондарё тарихи янги тош ва бронза асрига бориб қаралади. Сурхон воҳаси азалдан маданият ва маърифат бешиги сифатида эътироф этилган ҳам бежиз эмас.

— Ҳеч муболағасиз, вилоятимизни туризм салоҳияти юқори бўлган худудлар сирасига киритиш мумкин, - дейди ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шоҳида Арипова. — Воҳанинг тарихий обидалари, ноёб табиати сайёҳларни доимо ўзига жалб қилиб келган. Қадимий ёдгорликларнинг аксарияти жазон маданий меросида муҳим ўрин тутди. Улар ўзбек халқининг бой тарихий, қадрият ва аънавалари, маданий мероси ва, айниқса, меҳмондўстлигини алоҳида эътироф этишди. Бу аънаваларни замон талаблари даражасида давом эттириш учун вилоятда туризм соҳасини янада ривож-

Ташаббус ва натижа

Термиз сайёҳларни чорламоқда

туризмни ривожлантириш ва туристик хизматлар экспортини ошириш масаласини ЎзМТДП депутатлик гуруҳи халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши сессиясига ташаббус-масала сифатида киритди

лантириш ва туристик хизматлар экспортини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши сессиясига ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан «Термиз шаҳрида туризм соҳасини ривожлантириш ва туристик хизматлар экспортини ошириш» ташаббус-масала сифатида киритилди ва қарор қабул қилинишига эришилди.

Таъкидлаш жоизки, Сурхондарё вилоятида туризмни ривожлантириш ва туристик хизматлар экспорти ҳажмини ошириш мақсадида белгиланган манзилли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, белгиланган режалар босқич-босқич амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилда «Фаёз-тепа», «Қирқ қиз» тарихий обидалари, «Имом Термизий» ва «Саид оталик» мадрасаларини консервация ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Воҳада туристик инфратузилмани ривожлантириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Термиз туманида «Учқизил диагностика маркази» янги соғломлаштириш мажмуасини қуриш, тарихий обидаларга олиб борадиган йўл ва йўлакчаларни қайта таъмирлаш ҳамда автотранспорт воситалари учун замонавий тўхташ жойларини барпо этиш, «Термиз — Жарқўрган — Денов — Сарисоёй» йўналишидаги йўллар ва кўприкларни, авто-

бус бекатларини, пиёдалар йўлакчаларини таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Термиз халқaro аэропорти ҳамда темирйўл вокзали фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этиш ишлари бошлаб юборилган.

Бу каби ижобий натижалар билан бир қаторда соҳани ривожлантириш бўйича айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, вилоят «Ипотека» банкига вилоят Сайёҳлик ва экскурсия бюросига автобус сотиб олиш учун қайтариш мuddати 10 йилдан кам бўлмаган ҳолда кредит ажратиш масаласини ҳал этиш, вилоят экскурсия ва сайёҳлик бюроси томонидан «SLK6106» русумида 45 ўринли 2 та туристик автобус ва «Hundai» русумли 12 ўринли микроавтобус харид қилиш режалаштирилган эди. Аммо ушбу масала ҳалигача ўз ечимини топгани йўқ. Шунингдек, туризм марказини ташкил қилиш учун бино ажратилиш, Термиз шаҳри ва Термиз, Бойсун, Денов туманларида амалий санъат намуналари ва миллий хунармандчилик буюмларини ишлаб чиқариш устaxonалари сонини янада кўпайтириш ҳамда хорижий сайёҳлар иштирок этадиган доираларга олиб борадиган йўл ва йўлакчаларни қайта таъмирлаш ҳамда автотранспорт воситалари учун замонавий тўхташ жойларини барпо этиш, «Термиз — Жарқўрган — Денов — Сарисоёй» йўналишидаги йўллар ва кўприкларни, авто-

мизда ушбу соҳага ихтисослашган 5 та касб-хунар коллежи мавжуд бўлиб, унинг биттаси бизнинг вилоятимизда фаолият олиб боради. Термиз туризм ва меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежида 7 та йўналиш бўйича 792 нафар ўқувчи таҳсил олиб, уларга 43 нафар ўқитувчи касб сирларини ўргатмоқда. Шулардан 3 нафари туризм соҳаси мутахассислари.

Коллежда туризм ва меҳмонхона хўжалиги йўналишлари бўйича тайёрланаётган кичик мутахассисларнинг билим ва малакасини янада такомиллаштириш, амалиёт машғулотларини ўтказиш ҳамда келажакда битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида «Сурхон», «Интурист», «Шарқ», «Улуғбек», «Ассон», «Меридан» меҳмонхоналари ва «Турон», «Малика», «Анора», «Юлдуз», «Легант», «Чинор» ресторани билан шартномалар тузилган. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини олиб бориш мақсадида улар билан ҳамкорлик «Ўзбектуризм» ҳамда вилоят «Сайёҳлик ва экскурсия» бюроси орқали йўлга қўйилган. Аммо, коллежда умумий овқатланиш ва ресурслар ишини ташкил этиш учун ўқув ишлаб чиқариш устaxonаси мавжуд бўлса-да, хоналар етарли даражада жиҳозланмаган. Шунингдек, коллежда махсус фан (туризм) ўқитувчилари билан бир қаторда хорижий тил-

лар бўйича ҳам мутахассисларга эҳтиёж мавжуд.

— Термизни кўриш, унинг қадам-қадамлигини зиёрат қилиш, улғу боёқалонларимизнинг руҳларини шод этиш ниятида юрган қанчандан-қанча ватандошларимиз ва хорижий сайёҳлар бор, - дейди Ш.Арипова. - Уни кўрмак, чиройли, обод ва озода шаҳарга айланган туризм, меҳмонхоналар фаолиятини жаҳон андозаларига мос равишда ташкил этиш, сайёҳларга хизмат кўрсатишни юқори даражага олиб чиқиш олдимизда турган долзарб вазифалардан.

Мавжуд ютуқ ва муаммоларни ҳисобга олган ҳолда шаҳар Кенгаши сессияси қарорида Термиз халқaro аэропорти, темир йўл вокзали ва меҳмонхоналар фаолиятини янада ривожлантириш, бозорлар фаолиятини тубдан яхшилаш, хунармандларга алоҳида жойлар ажратилиш ва хунармандчилик дўконларини ташкил этиш, «Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш каби қатор вазифалар ўз аксини топди. Ушбу масъулиятли вазифалар ижросини таъминлашда соҳа мутахассислари билан бир қаторда ЎзМТДП депутатлик гуруҳининг ҳар бир аъзоси зиммасига алоҳида масъулият юклатилди.

Шоҳида ДАМАНОВА, «Milliy tiklanish» мухбири

Хуқуқий эксперимент

Ахборот-кутубхона ва архив фондлари

қонун лойиҳаси тақомиллашувида муҳим аҳамият касб этади

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Жумладан, қонун лойиҳасининг 9-моддаси 5-бандида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш усуллари баён этилган. Унга кўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этилиши, 13-моддасида эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиши қайд этилган. Қонун лойиҳасининг ушбу нормаларини амалга оширишнинг механизмининг яратиши ҳамда ахборот маконида айнан ахборот-кутубхона ва архив фондларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, ахборот-кутубхона ва архив фондлари кенг кўламли ҳамда давлат, жамият ва фуқаролар учун ўта муҳим ахборот макони ҳисобланади. Шунингдек, улар фойдаланувчиларнинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, маданий ва таълим олиш эҳтиёжларини қаноатлантириш учун хизмат қилиб, миллий маданиятни ривожлантиришда, халқнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини сақлашда муҳим ўрин тутаяди.

Таъкидланганидек, айни пайтда мамлакатимизда 102 та давлат архиви, 3 та марказий ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси марказий давлат архиви, 6 та нодавлат ва 111 та идоралараро давлат архивлари фаолият юритмоқда. Уларда Ўзбекистон Республикасининг миллий фондига кирувчи 8,2 миллион сақлов бирлиги ҳужжатлари сақланмоқда. 2010 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Архив иши тўғрисида"ги қонуни янги тахрирда қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг Архив ишини янада тақомиллаштиришга бағишланган қарори эълон қилинди. Бундан ташқари архив-фондлари фаолиятини тартибга солишга қаратилган қатор қонунли ҳужжатлари қабул қилинди. Буларнинг барчаси фуқароларнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

"Хуқуқий эксперимент жа-

раёнида ЎзМТДПнинг иштироки" мавзусида маъруза қилган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шухрат Деҳқонов кўйидаги муҳим вазифалар хусусида тўхталиб ўтди:

— "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз дастурий мақсад-вазифаларига таянган ҳолда хуқуқий давлат қуриш ва очик фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг ажралмас қисми эканлигини келтириб чиқиб, миллий таърибга асосланган, ўзимиз танлаган ислохотлар моделига таянган ҳолда сиёсий-хуқуқий маданиятни амалга ошириш ҳамда демократик қадриятларини фуқаролар онгига сингдиришда фаол иштирок этиб келмоқда. "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан ўтказилаётган хуқуқий эксперимент жараёни бу каби дастурий вазифалар ижросини таъминлашда муҳим ҳисобланади.

Давра суҳбатиде таъкидланганидек, демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида Ўзбекистонда давлат хизматининг роли ва аҳамияти жиддий равишда ошишини ҳисобга олган ҳолда, партиямиз давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг хуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, улар фаолиятига ошқоралик ва шафоқлик беришини қўллаб-қувватлайди. Бу борада барча бўғинлардаги партия ташкилотларимиз ва фаолларимиз дастурий вазифаларимиз нуктаи назардан келиб чиқиб, хуқуқий эксперимент жараёнида янада муносиб иштирок этишлари лозим. Айниқса, электоратимиз ҳисобланган хунармандлар, касаначилар, оилавий тадбиркорлар, бир сўз билан айтганда, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини таъминлаш бўйича тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, умуман, давлат органларининг жамият ҳамда давлат қурилишининг барча соҳалардаги фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш депутатлар зиммасига катта масъулият ўқлайди. Шунингдек, халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва эришилган ютуқларни улғайиб келаяётган авлод ўртасида кенг

тарғиб қилиш, ёшларда миллий тарих ва халқ анъаналарига нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотишда мутақаддид давлат идораларининг масъулиятини кучайтириш, интеллектуал мулкни ва унга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш, маданият, санъат, театрлар, музейлар, газета ва журналларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватла-нишини кучайтириш, туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш каби дастурий мақсадларни амалга оширишда мазкур қонун лойиҳаси алоҳида аҳамият касб этади.

Тадбирда Ўзбекистон Архив агентлиги бош директори А.Абдуллаевнинг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида архив фондлари орқали ахборот тақдим этилиши тизимини ривожлантириш", Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси бош мутахассиси Ободбой Қиличбоевнинг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида ахборот-кутубхона фондлари орқали маълумотлар бериш тизимини ривожлантириш" мавзусидаги маърузалари тинланди.

Эътироф этилганидек, архив муассасалари томонидан шу вақтгача 300 мингдан ортиқ ижтимоий-хуқуқий ҳамда тематик мазмундаги фуқароларнинг сўровлари-га жавоб берилган. 2012 йилда 66 минг сақлов бирлиги архив ҳужжатларининг электрон версияси яратилди. Агентлик томонидан излаш базаси жорий этилди. Хуқуқий эксперимент жараёнида ноёб ва ўта ноёб ҳужжатларни рақамлаштириш бўйича янада кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Тадбир иштирокчилари ахборот макони бўлган ахборот-кутубхоналар, архивлар фаолиятининг самарали ташкилий-хуқуқий механизмининг янада тақомиллаштиришда, қонун лойиҳаси нормаларини тақомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидладилар. Бу борада давлат идораларининг масъулиятини кучайтириш масалалари юзасидан аниқ тавсиялар ишлаб чиқилганлиги олинди.

Парламент

Фракция ҳаёти



Депутатларнинг қонунчилик ташаббуси

билан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси муҳокама қилинди

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан қўйилган бир гуруҳ депутатлари ташаббуси билан киритилган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамасига бағишланган давра суҳбатиде ўтказилди. Унда фракция аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, экспертлар, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев кириш сўзи билан очиб қўйди. Унинг таъкидлашича, мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби, жамиятимиз ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилган ислохотлар ҳам тизимли равишда, босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Эътироф этиш жоиз, Президентимиз томонидан парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган Қонунчилик палатаси асослари вақтдан буён давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш бўйича янада кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Тадбир иштирокчилари ахборот макони бўлган ахборот-кутубхоналар, архивлар фаолиятининг самарали ташкилий-хуқуқий механизмининг янада тақомиллаштиришда, қонун лойиҳаси нормаларини тақомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидладилар. Бу борада давлат идораларининг масъулиятини кучайтириш масалалари юзасидан аниқ тавсиялар ишлаб чиқилганлиги олинди.

Электорат манфаати

уни ифода этишга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йўғилишида қўйилган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Унда фракция аъзолари, вазирлик ва идоралар мутахассислари, хуқуқшунослар, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йўғилишида "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралдаги «Мустақам оила йили Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Депутатлар эътироф этишганидек, жамият ҳаётининг муҳим талабларидан бири ҳисобланган васийлик ва ҳомийлик институтининг хуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш, бу институтлар фаолиятини амалга оширишнинг самарали механизмининг яратиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки, айни вақтда амалда бўлган, ушбу соҳадаги хуқуқий муносабатларни тартибга солиш ва қонун ҳужжатларида васийлик ва ҳомийлик органлари тушунчасига аниқ таъриф берилмаган, шунингдек, васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларга нисбатан васийлик ва ҳомийликни амалга ошириш механизмининг етарли даражада тартибга солилмаган.

Қонун лойиҳасида васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, жавобгарликлари ва самарали механизмининг белгилаш, бу институтларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш каби нормалар назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, васийлик ва ҳомийликка олинган шахсга тегишли бўлган мол-мулкни сақлаш ва бошқариш билан боғлиқ қоидаларни тақомиллаштириш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари ва қону-

ний манфаатларини ҳимоялаш, васийлик ва ҳомийларнинг жавобгарлигини, маълум тоифадаги шахсларга нисбатан васийлик ва ҳомийликнинг аниқ механизмининг белгилаш каби масалалар ҳам қонун лойиҳасининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Йўғилишида сўз олган фракция аъзолари қонун лойиҳаси партия сайловолди Платформасида белгиланган кесалар ва болаларга саховат ҳамда меҳр-муруват кўрсатиш каби алоҳида қадриятларимизни ҳимоя қилиш, соҳада амалга ошириладиган кенг кўламли ислохотларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш борасидаги вазифаларни амалга оширишда хуқуқий асос бўлади.

Депутатлар «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди. Ушбу хуқуқий ҳужжат амалдаги мавжуд қонунчилик ҳужжатларини «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ҳамда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Мазкур масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этган фракция аъзолари қонун лойиҳасининг қабул қилиниши келгусида мамлакатимизда васийлик ва ҳомийлик тизимини ҳамда уларни амалга ошириш механизмининг янада тақомиллаштириш ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлақонли таъминлашига хизмат қилишини таъкидладилар.

Фракция аъзолари муҳокамасига ҳавола этилган «Биржа фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларини амал-

Тадбирда маъруза қилган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шухрат Деҳқонов «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасида назарда тутилаётган янги нормалар ҳақида маълумот берди. Йўғилишида сўзга чиққан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар қонун лойиҳасини маромига етказиш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлари билан ўртоқладилар.

Олимжон ОҚИЛОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Давлат вакиллик органларидаги партия гуруҳларининг қонун билан белгилаб қўйилган ваколатларини янада кенгайтиришга қаратилган "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши келгусида сиёсий партияларнинг ваколат ва имкониятларини ошириш билан бирга улар зиммасига алоҳида масъулият юклатилиши таъкидлади.

— Мазкур хуқуқий ҳужжат партиямиз сайловолди Платформасида кўзда тутилган вазифалар ва дастурий мақсадларни рўёбга чиқаришда алоҳида ўрин тутаяди. Шунингдек, депутатлик гуруҳлари фаолиятини бир тизимга солиш, уларни тузиш тартиби, ваколат ва мажбуриятларини ҳам белгилаб беради. Маълумки, янги қонун лойиҳасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, шаҳар Кенгашларида депутатлик гуруҳларини шакллантириш учун энг кам депутатлар сони 5 нафар этиб белгиланмоқда. Бу эса партиямизнинг барча бўғинлари ва депутатларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ечишдаги роли ва ўрнини янада оширишга хизмат қилади.

Мунира ҚОРИЕВА,

халқ депутатлари

Тошкент вилоят

Кенгашига ЎзМТДПдан

сайланган депутат:

— Ушбу Қонун лойиҳаси сиёсий партиялар ўртасидаги ўзаро рақобат ҳамда партия гуруҳларининг қабул қилинган қонунларнинг жойлардаги ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатилиш жараёнида янада фаоллаштирилади. Шунингдек, сиёсий партияларнинг жойларда вакиллик органларини шакллантириш борасидаги таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

Илхом АБДУЛЛАЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини хуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёнида аниқ бўлмақдаки, лойиҳанинг айрим нормаларини янада тақомиллаштириш, аниқлаштириш, қонуннинг амалда қўллаш имкониятларини кенгайтириш мақсадида унга айрим қўшимча ва ўзгаришлар, тўлдирешлар киритиш лозим. 21-моддadan иборат Қонун лойиҳасини ана шу тарзда тақомиллаштиришда ЎзМТДПнинг барча даражадаги депутатларидан ҳам алоҳида масъулият ва ташаббускорлик талаб этилади. Бугунги давра суҳбати шу ва бошқа масалалар атрофида муҳокама қилинганлиги билан аҳамиятлидир.

Абдушукр АБДУЛЛАЕВ,

Ўзбекистон Архив агентлиги бош директори:

— Самарқанд ва Бухоро вилоятларида хуқуқий синовдан ўтказилаётган янги қонун лойиҳасини янада тақомиллаштиришда, унинг норма ва қоидаларини маромига етказишда ахборот-кутубхона ва архив фондлари ҳам алоҳида ўринда туради. Zero, фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларининг амал қилиши ахборот-кутубхона ва архив фондлари фаолиятида янада кенгроқ намоён бўлади. Шундай экан, мамлакатимизда кечаятган қизгин жараёнда хуқуқий эксперимент субъекти сифатида ахборот-кутубхона ва архив фондлари фаолиятини янги босқичга кўтариш муҳим аҳамият касб этади.

Раҳимжон НАИМОВ,

ЎзМТДП Самарқанд туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси:

— ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан ташкил қилинган мазкур давра суҳбатиде демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилувчи янги қонун лойиҳаси, уни тақомиллаштиришга қаратилган хуқуқий эксперимент жараёнида кенг муҳокама қилинди. Айниқса, мамлакатимизда янги таърибга сифатида эътироф этилаётган хуқуқий экспериментда ЎзМТДПнинг иштирокига алоҳида эътибор қаратилди. Давра суҳбатиде бу борада олган тушунча ва қўшимчаларимиз фаолиятимиз самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
«Milliy tiklanish» мухбирлари


Мухтарома КОМИЛОВА,
«Milliy tiklanish» мухбири

Бугуннинг гапи

ВИРТУАЛ ОЛАМ

фарзандингиз унда адашмасин

Бугун ёшлар орасида мобил телефондан кейинги ўринда турувчи олмавий алоқа воситаси интернет эканини исботлашнинг ҳождати йўқ. Социологик тадқиқотларга кўра, ер юзининг 22 фоиз аҳолиси интернетдан деярли ҳар кунни фойдаланади. Яна бир қизиқ маълумот: ҳозир глобал тармоқда энг кўп кўрилувчи юзта веб-сайтнинг йиғирматаси ижтимоий тармоқлар туркумига кирса, яна олтишитаси у ёки бу жиҳатдан ижтимоий мазмундаги сайтларга яқин туради. Жумладан, блог ва микроблоглар бунга мисол бўла олади. Кўришиб турибдики, интернетдан фойдаланувчилар айниқса, ижтимоий тармоқ шикибозлари кўпайибгина қолмай, бу нарса уларнинг руҳий оламига ҳам дахл қилаётгани яққол кўзга ташланмоқда.



Интернет фойдаланувчиларининг 78 фоизи ижтимоий тармоқлардаги маълумотларни ҳаққоний ва холис ахборот, деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, мутахассислар бу ҳақда бошқачароқ фикрдалар. Бир ўйлаб кўринг, XX асрда инсониятга ядро қуроли катта хавф солган бўлса, бугунги кунга келиб турли мақсадларни кўзлаб уюштирилаётган ахборот ҳужурали халқ, давлат ва минтақалар ҳаёти, келажагини таҳликага қўймоқда. Бунинг учун керакли маблаг сарфланаётгани ҳам сир эмас. Тармоқда ўз жонига қасд қилишнинг осон йўллари тарғиб қилувчи 9 минг, шахсоний мазмундаги 4 мингдан зиёд сайтлар мавжуд бўлса, 49 фоизи компьютер ўйинлари орқали зўравонлик ва ёвузликни тарғиб қилаётди. Айни вақтда 42 фоиз болалар ва ўсмирлар он-лайн тарзида тарқатилган порнографик мазмундаги манба таъсирга тушиб қолмоқда. Халқаро экспертлар дунё миқёсида 38 фоиз бола зўравонлик рўҳидаги сайтларга, 26 фоизи миллатчилик характеридаги веб-сайтларга мунтазам кириб туришини тасдиқламоқда. Айни пайтда бу нарса миллионлаб инсонлар, айниқса, ёшларни ўз домига тортаяпти. Ушбу рақамлар дунё миқёсида олинган бўлиб, улар орасида бизнинг ёшларимиз ҳам борлигини асло унутмаслигимиз лозим. Ўтган йилги республикамиздаги интернет ва гейм-клублар фаолиятини ўрганиш мақсадида ўтказилган ижтимоий тадқиқотларнинг қўрсатишича, юртимизда интернет, хусусан, ижтимоий тармоқлардан асосан ўрта-максус ва касб-хунар таълим муассасалари ўқувчилари кўпроқ фойдаланишар экан. Демак, ижтимоий тармоқларга нисбатан тобалик биринчи навбатда, ана шу ёшдаги йигит-қизларда юзага келиш эҳтимоли юқори бўлади.

Айни пайтда ўқувчи-ёшлар орасида ом-малашган "Одноклассники", "Facebook", "Twitter" тармоқларида инсон маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи гоғларни тарғиб қилувчи юздан зиёд гуруҳлар мавжудлиги ва уларга элик мингдан зиёд ёшлар аъзо эканлиги аниқланган. Маълумотларга кўра, биргина odnoklassniki.ru ижтимоий тармоғи кунлик аудиториясининг 20 фоизини Ўзбекистондан кирувчилар ташкил этади. Шундан, 80 фоиз киши мобил версиядан фойдаланади. Уларнинг катта қисми ёшлардан иборатлигини инобатга олсак, масала нечоғлик долзарб эканини англаш қийин эмас. Ҳали оқу қорани тўлиқ ажрата олмайдиган ўсмир ёшларнинг салбий гоғлар таъсирга тушишидан осони йўқ. Лекин ундан чиқшининг ўзи бўлмайди. Виртуал оламга мук-қасидан кетган ўсмир бора-бора ён-атрофдагиларга бефарқ ҳамда виртуал оламдаги каби бўлиб қолади. Масалан, ижтимоий тармоқларга тобаликни олайлик. Чунки виртуал тобалик инсонда ташқи оламда ёлғизланиш, реалликдан, шахсий ижтимоий ҳаётдаги қийинчилик, муаммолардан қочиш, уларни кўрмаслик ва тан олмаслик ҳамда депрессияни олиб келади. Сўз юри-таётганимиз вақтинчалик ўтиб кетадиган ҳолат эмас, аксинча инсон онг-тафаккурига, ҳаётга ва миллий қадриятларга ўзининг салбий таъсирини ўтказиши. Масалан, интернетдаги тармоқларда бировнинг устидан кулиш, ҳақоратлаш, шаънига но-муносиб гапларни айтиш, беҳаё суратлар-ни жойлаштириш, бегона аёл ёки эркек-нинг одоб-ахлоқ доирасидан четга чиқиш ҳолатлари ёхуд ахлоқий меъёрларни тан олмаслик каби ҳолатлар одатий ҳолга ай-ланиб қолади.

— Бугунги кунда ёш оилаларнинг бу-зилишига ҳам ана шу тармоқлар сабаб

бўлмоқда, - дейди «Янги Миробод» ма-ҳалласи фуқаролар йиғини маслаҳатчи-си Маҳмуда Ҳақимова. — Аёли турмуш ўртоғининг интернетдаги ижтимоий тар-моқ орқали бегона аёл билан гаплаша-ди, деган шубҳа-гумонга бориб жанжал-лаша бошлаган. Табиийки, эркек хоти-нининг эътирозига эътиборсиз қарай-ди. Алаоқибат ижтимоий тармоқ са-бабли улар ажралишгача борди.

Бугунги кунда хорижий давлатларда бундай ажримлар тобора кўпайиб бор-моқда. Масалан, АҚШда қайд этилаётган ҳар бешта ажримнинг биттасига ижтимо-ий тармоқлар сабаб бўлаяпти. Санкт-Петербург психоаналитик маркази мута-хассислари томонидан ўтказилган тад-қиқот ажрашган оилаларнинг 15 фоизига айнан интернетдаги ижтимоий тармоқ-лар сабаб бўлаётганини қайд этган.

— Инсон салбий иллатларга қарши тура олиши учун иродаси ва тарбияси муҳим ўрин тутаети, - дейди психолог Нар-ғиза Алимова. — Инсонда ҳар қандай воқеа-ҳодисага нисбатан ўз нуқтаи наза-ри бўлиши лозим. Ҳар бир инсон бирор ишни қилишидан олдин нима учун унга вақт сарфлаётгани, менга унинг қандай фойдаси бор, деган саволни ўзига-ўзи бериб туриши керак. Ёшларга, айниқса, яқинлари эътиборли бўлиши лозим. Дей-лик, қизингиз ёки ўлингиз ёнингизда бўлсада қўлидаги мобил алоқадан узоқ вақт кўз узмай ўтирибди. Шунда дарров ёнингизда ўтирибди-ку, деган фикрни ай-тишга шошилманг. Боланинг бўш вақтини ота-она доимо кузатиб юриши, фойдали юмуш ва вазифалар билан банд қилиб бориши даркор. Тўғри, компьютер ўйин-лари ва интернетда фойдали ҳамда қизи-қарли машғулотлар ҳам жуда кўп. Уларни топиш ва болага ўз вақтида тақриф этиш, аввало ота-онанинг вазифаси. Инсонлар-нинг бир-бири билан ўзаро жонли муло-қоти ўрнини ҳеч бир замонавий техника воситаси боса олмаслиги шубҳасиз. Жо-зибали бўлиб кўринган виртуал олам ас-лида инсоният яратган "улкан машина" ва ҳозирда миллионлаб одамларни ўз коми-га тортмоқда. Унга тобора буйсуниб бо-раётганлар ичида эса ўсмирлар ва бо-лар жуда кўп. Улар ўзлари билмаган ҳолда гаразли ниятдаги кимсаларга шерик бўлиб қолиши ҳам мумкин.

— Яқинда facebook тармоғида ўзим ҳурмат қиладиган бир хонанда билан дўстлашдим, - дейди Фарҳоджон Му-родов. — Кўп ўтмай, у мени бир виртуал гуруҳга аъзо бўлишга таклиф қилди. Ки-риб кўрсам, мамлакатимиз ҳақидаги тур-ли ёлғону бўхтондан иборат маълумот-ларни жойлаштирилган экан. Шундан сўнг ўша санъаткорни дўстларим сафидан ўчи-риб ташладим. Бу ҳақда бошқа дўстла-римни ҳам огоҳлантирдим. Кейин бил-сам, ижтимоий тармоқларда ўша артист номидан саккизта профил очилган экан. Афсуски, бундай кимсалар ижтимоий тар-моқларда кўпчиликни ташкил этади.

— Ўғлим учун фойдали бўлган санскот-та сайт рўйхатини тузиб берганман, - дейди ўқитувчи Азиз Назаров. — Улар-нинг қирқ фоизидан зиёди таълим пор-талларидир. Ўғлим билан фанлар ва пси-хологияга оид тестларни ечиб тураимиз.

— Интернетдан ўзингга керакли маълум-от олиш билан бирга, умуман инсон маънавиятига, ҳаётга салбий таъсир кўрсатадиган маълумотлар ҳам жуда кўп, - дейди журналист Барно Мирзаева. — Ун-дан фақатгина тўғри фойдаланиш керак. Икита қизим бошланғич синфга боради. Уларнинг деярли ҳамма хоҳиш-истагини бажарамиз. Бироқ компьютер ёки мобил телефондан фақат ўйнаш учун фойдала-нишига йўл қўймаман. Компьютер ёки мобил телефондан ёш бола керагидан ор-тиқ фойдаланса кўзига зарар қилиши-ни, боши чарчаб қолишини, дарсларини вақтида бажара олмаслигини, паст баҳо олишига сабаб бўлиб қолишини кўп ту-шунтираман. Ўйлайманки, катта бўлиш-гач, хавотирим ўринли эканлигини, техни-ка воситаларидан фақат мақсадли фой-даланиш зарурлигини тушуниб олишайди.

Тўғри, юртимизда бугунги кунда ёшлар-га берилаётган эътибор ва ғамхўрликлар-га дунёнинг ривожланган давлатлари ҳавас билан қарамоқдалар. Шундай бўлса-да биз бир зум бўлсин бепарволикка берилмас-лигимиз, болаларимизнинг техника воси-таларидан фойдаланиш маданиятини мун-тазам юксалтириб боришимиз лозим.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири



“Келажак овози — 2013”

Иқтидорли ёшлар танланди

Мустақиллик йилларида фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш устувор вазифалардан бири қилиб белгилаб олинганлиги бугунги муваффақиятларимиз гарови бўлмоқда. Юртбошимиз бу борада тўхталиб: “Ўзбек миллиятининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зехн-заковат, тиришқ-оқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фа-қат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукаммал тарзда фойдалана олишимиз зарур”, деган эдилар.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкид-лаганидек, чинакам эркин ва фаол, муста-қил фикрлайдиган ҳамда ташаббускор ав-лодни тарбиялаш ҳозирги глобаллашув жа-раёнида ўта муҳим вазифадир. Зеро, ёшлар-га бўлган эътибор — келажакка бўлган ишон-чдир. Шу боис мамлакатимизда ўғил-қиз-ларнинг ҳар томонлама кўлаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятларини юза-га чиқаришга катта аҳамият қаратилмоқда. Ёш истеъдод эгаларини кашф этиш ва рағ-батлантириш мақсадида ўтказилаётган тур-ли танловлар эса эртаимиз эгаларининг ўз танлаган йўлларидан дадил қадам ташла-ларидан муҳим омил бўлмоқда. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғарма-си, “Қамолот” ЁИХ ҳамда Ўзбекистон Рес-публикаси Олий ва ўрта махсус таълим ва-

зирлиги ҳамкорлигида 2005 йилдан буён аънавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ке-лажак овози” иқтидорли ёшлар танлови фикримизнинг ёрқин далилидир. Таъкидлаш жоизки, танлов номинацияла-рида бугунги давр ёшларини қизиқтирадиган барча йўналишлар қамраб олинган. Архитек-тура ва дизайн, ахборот технологиялари, ра-ционализаторлик тақлифлари ва техник иш-ланмалар, аънавий ва амалий санъат, ба-диий ижод ва публицистика каби йўналишлар бўйича ёшлар ўз билим ва маҳоратларини тўлиқ намойиш қилиш имкониятига эга. Шу-нинг учун ҳам уларнинг бу танловга қизиқиши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Статистик маъ-лумотларга асосланиб айтадиган бўлсак, ўтган давр мобайнида танловга тақдим этилган ари-заларнинг умумий сони 472 000 тани ташкил

Баркамол авлод

Анжирчининг полвон қизи

бир гуруҳ қизлар мурожаат билан келиши. “Баҳодир ака, спорт маж-муасида кураш турлари бўйича шу-гулланаётган ўғил болалар бору-нега полвон қизлар гуруҳи йўқ. Биз-нинг ҳам шу гуллананиш ниятимиз бор, орузимиз чемпион бўлиш”, Вагани-деб қолди. Бундай ўйлаб қара-сак қизлар юз фоиз ҳақ. Нега энди улар спортнинг бу тури билан шу-гулланмаслиги керак. Шу-шу гул-ланмоқда юша йилги ёш полвон қиз-лар гуруҳини ҳам ташкил қилдик. Ўта машаққатли ва тинимсиз маш-гулотлар нихоят ўз самарасини бе-ра бошлади. Қизларимиз кураш турлари билан астойдил шуғуллани-б, нимага қодир эканликларини эриш-аётган ғалаба ва ютуқлари билан амалда исботлай олиши.

Йилдан-йилга янги ном ва чем-пионлар кашф этилмоқда. Ана шун-дай полвон қизларимиздан бири, кўпчиликка “Йилдириш” номи бил-лан танилиб келаётган, кураш, дзюдо ва бел олиш кураши бўйича спорт устаси, кўп карра Ўзбекис-тон чемпиони, Осиё ва Жаҳон чем-пионатларининг ғолиби совриндо-ри Гуляра Атажанова бўлади. Ўзбе-кистон терма жамоаси аъзоси Гу-ляра кураш гиламида ҳар қандай рақибни яшин тезлигида мағлуби-ятга урчатади. Анжирчи маҳалла-сида истиқомат қилаётган Гуля-рининг отаси Комилжон ака 30 йил-дан зиёд шофёрлик қилиб келади. Онаси Жумагул опа эса кўп йиллар илгор пилла бригадири бўлган, ҳозирда эса уй бекаси. Улар кенжа қизи Гулярининг спортда эриш-аёт-ган ғалабалари билан ҳақли ра-вишда фахрланадилар. Бу орада Гуляра Урганч шаҳридаги Олимпия захиралари коллежиди дзюдо ку-раши бўлимида бош мураббий, спорт устаси Альфия Иброҳимова

қўлида таълим олди. Айни дамда Гуляра Атажанова имтиёзли равиш-да Урганч давлат университетининг жисмоний тарбия ва мада-ният факультетининг II босқичида таҳсил олиш баробарида халқаро мусобақаларда катнашиб, Вагани-деб байроғини янада баландроқ кўтариб келмоқда. Чунончи 2012 йилнинг октябры ойида Англиянинг Борнмут шаҳрида кураш бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган VII жа-ҳон чемпионатида 63 кг. вазнда кўпгина номдор рақибларнинг қад-дини дол қилди. Ўша йили Қирғизис-тонда бел олиш кураши бўйича қизи-миз бронза медалига сазовор бўлган бўлса, яқиндагина Жанубий Корея-нинг Инчон шаҳрида бўлиб ўтган жанговар яққа курашлар бўйича IV Осиё ўйинларида муваффақият бил-лан катнашди. Биринчи бор Осиё ўйинларида миллиятимиз гуруҳи ва фахри бўлган курашимиз киритил-ган бўлиб, ушбу баҳсларда мамла-катимиз полвонлари 2 та олтин, 1 тадан кумуш ва бронза медаллари-га эга чиқиди. Ўзбекистон терма жамоаси сафиди Гуляра Атажанова ҳам бор эди. 57 кг. вазнда иштирок этган Гуляра Вьетнам, Хитой, Хитой Тайпейи ва Жанубий Кореялик ном-дор полвонларнинг курагини бир-ма-бир ерга теккизди. Эронлик чем-пион, жаҳон чемпионатларининг бир неча карра совриндори Сомиа Хай-дарий устидан ғалаба қозонган Гу-ляра ўзбек спорти тарихида Осиё ўйинларининг биринчи олин меда-лини қўлга киритган пахлавон қиз сифатида жой олди.

Гуляра Атажанованин вилоят, Ўзбекистон, халқаро мусобақалар, Осиё ва Жаҳон чемпионатларида қўлган киритган медаллари сони элиқдан ошиб кетди. Уни ҳақли равишда буюк аждодларимиз

Маҳоратли муаллима

Фарғона шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган мактабда 23 йил-дан буён ўқувчиларга инглиз тилидан сабоқ бериб келаётган Шоира Мўминовани маҳоратли муаллима сифатида яхши били-шади. Унинг чет тили сабоқларида ноанъанавий усуллар, янгича педагогик технологияларни кенг қўллаётгани, ҳар бир дарсга пухта тайёргарлик билан ёндашаётгани таълим жараёни сифа-ти ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА)
олган суратлар.



этади. Жорий йилда эса 84 326 нафар йигит-қиз танловда иштирок этиш истагини бил-дирган. Шулардан 5171 та ариза Навоий вилояти ёшлари томонидан тақдим этилган.

Танловнинг биринчи, яъни туман ва шаҳар босқичида муваффақиятли иштирок этган наво-ийлик 700 нафарга яқин истеъдод эгалари навбатдаги вилоят босқичида ҳам ўз билим ва қобилиятларини синондан ўтказдилар. Танлов низомига кўра тўртта номинация бўйича ўз го-ва интилишларини намойиш қилган ёшлар ораси-дан фақат 45 нафари танловнинг финал босқичи-да иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ғолибларни тақдирлаш ва рағбатлантириш мақсадида Навоий шаҳридаги “Ёшлар марка-зида” ёшлар форуми ўтказилди. Форум авва-лида ёшларни иш билан таъминлашга қўмак-лашиш маркази ҳамда қатор ташкилотлар ҳам-корлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси таш-кил этилди. Шундан сўнг “Келажак овози-2013” иқти-дорли ёшлар танловининг вилоят босқичи ғолиблари томонидан тайёрланган техник ишланмалар кўргазмаси ўтказилди. Тадбир доирасида танлов ғолиблари йиғилганлар эътиборига ўз ихтиролари тақдимотини ҳаво-ла этишди.

Тадбир якунида ғолиблар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ўралой ТУРДИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири



Тўмарис ва Пахлавон Маҳмуднинг муносиб издоши дея оламиз. Пол-вон қизимизнинг шу даражага ети-шида озми-кўпми урганчилик спорт усталари А.Иброҳимова, М.Раҳи-мов ва Ўзбекистон терма жамоаси мураббийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Мурод Дўсимбетовларнинг хиссаси кат-та. Айни кунда 20 баҳорни қарши-лаган Гуляра ҳозирда Ўзбекистон терма жамоаси сафиди октябрь ойида кураш бўйича катталар ўрта-сида Франция давлатида бўлиб ўтадиган навбатдаги жаҳон чем-пионатига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Ушбу бешлашларда унга фақат омад тилаймиз.

Баҳодир БЕКЧАНОВ,
ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Урганч тумани Кенгаши депутати,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий,
спорт устаси,
“Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиб

Бизнинг шарҳ

АНЪАНАЛАР ВА ЖАМИЯТДАГИ ТАРТИБНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ

тарafdори бўлган Австрия халқ партияси парламентдаги ўринлар сони бўйича доимо юқори ўринларни эгаллаб келмоқда



бора обрў қозониб бормоқда. Бу эса унинг келажакдаги сайловчилари масаласини ижобий ҳал бўлишига умид беради.

Партиянинг олий органи федерал съезди ҳисобланади. Съезд ҳар уч йилда партиянинг раҳбарияти, етакчиси, унинг ўринбосарлари, бошкотибларни сайлаш учун чақирилади. Шунингдек, съезд партия Дастури ва Низомини тасдиқлаб, қўшимча ҳамда ўзгартишларни киритади, партиянинг сиёсати ва фаолиятидаги асосий йўналишларни белгилайди.

Мазкур съезднинг яна бир муҳим томони шундаки, бир неча кун давом этадиган тадбирда партиянинг сайловолди дастурини тасдиқлаш, Австрия Канцлери ва биринчи вазири лавозимига номзодларни кўрсатиш ҳамда партия фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинади. Қўллаб бахш мунозаралар, талаб ва таклифлар ўрганилиб, якуний хулосага келинади.

Партиянинг юқори раҳбарияти унинг ижро органидир, қолаверса, партия турли ижтимоий гуруҳлар манфаатини мувофиқлаштиришга ҳаракат қилади. Партиянинг сиёсий мақсадлари қаторида Австрия эркинлиги ва мустақиллигининг тан олинishi, ҳуқуқий давлат доирасида партиявий демократия ва ижтимоий товар-пул ҳўжалиги саналади. Буларнинг барчаси партиянинг дастурида мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, 1972 йил 30 ноябрдаги "Зальцбург дастурида" бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтилган бўлиб, мазкур дастурда Австрия халқ партияси ўзини

"прогрессив марказ партияси" деб атаиди ва "ҳамкорлик жамияти" тарафдори эканини баён қилади.

Партия демократик жараёнларнинг янада ривожланиши ва барча фуқароларга мамлакат сиёсий ҳаётида иштирок этиш учун шароит яратиш тарафдори. Европа интеграциясини қўллаб-қувватловчи Австрия халқ партияси Европа христіан демократлари иттифоқи, Европа демократик иттифоқи ҳамда Халқаро демократик иттифоқ аъзосидир. Улардан ЕДИ ва ХДИ раислари айнан мазкур вакиллари ҳисобланади.

Шу йилнинг 29 сентябрь куни Австрияда парламент сайловлари ўтказилади. Айни пайтда мазкур сиёсий тадбирга қизгин тайёргарлик кўрилмақда. Ҳар доимидек Халқ партияси аъзолари томонидан электроратлар, сайловчилар билан учрашувлар, тадбирлар ташкил этилиб, партия дастури ва голялари кенг тарғиб этилмақда. Хабарларга қараганда, мамлакат сиёсий майдонида етакчи кучлардан бирига айланган партия яқин 5 йилда 420 минг янги иш ўринларини яратишнинг режалаштирган. Кузатувчиларнинг фикрича, бу мамлакат аҳолисини нисбатан олганда анча катта кўрсаткичдир. Шунга қарамай, қарийб 70 йилдан буён фаолият олиб бораётган партия ўтган йиллар давомида ўтказилган барча сиёсий тадбирларда ўз олдига қўйган мақсад ва режаларни амалга ошириб келтириб келган. Шу жиҳатдан олганда, кўпчилик сайловчилар партияга катта ишонч билдирмоқда.

Бехбуд БОТИРОВ,
"Milliy tiklanish"
шарҳловчиси



Австрия марказий Европадаги давлат бўлиб, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда тобора ривожланиб бораётган мамлакатлардан саналади. Бугунги кунда ҳукумат томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода Австрия иқтисодий жиҳатдан миллийлаштирилган саноат ва ижтимоий таъминотнинг кенг тизимига эга мамлакатга айланган.

Европа Иттифоқига аъзо баъзи мамлакатларнинг норозилиги сабаб бўлди ва Австрия федерал ҳукумати нисбатан бир муддат дипломатик санкциялар ҳам қўлланди. 2002 йилдаги парламент сайловларида АХП федерал канцлери Вольфганг Шюссель бошчилигида 40 фойдан ортиқ овоз тўплаб, галаба эришди. 1999 йилда АХПга нисбатан кўп овоз тўплаган Австрия эркинлик партияси бу гал 10 фойдан биров ортиқ овоз тўплай олди, холос. Аммо коалиция сақлаб қолинди.

2005 йил апрель ойида Йорг Хайдер ва Австрия эркинлик партиясининг кўзга кўринган вакиллари ҳамкорлигида янги — "Австрия келажак учун альянс" партияси тузилди. Ва у Австрия эркинлик партияси ўрнига Халқ партиясининг ҳукумат коалициясидаги кичик ҳамкорига айланади.

Партия классик консерватив партия ҳисобланиб, у аъналар ва жамиятдаги тартибни сақлаб қолиш тарафдоридир. Шахсий ташаббуслар қўллаб-қувватланиб, буни иқтисодий ривожланиш ва тарққийнинг асосий ҳаракатлантурувчи кучи сифатида кўради. Ривожланган ижтимо-

ий йўналтирилган иқтисодиёт ва аҳолининг максимал бандлиги асосида жамиятнинг юқори даражадаги фаровонлигини таъминлаш Австрия халқ партияси дастурида асосий вазифалар сифатида белгиланган.

Партия аъзолари асосан хизматчилар, йирик мулк эгалари, фермерлардан иборат. Шунингдек, ўқимishi ва ўзига тўқ кишилар ҳам партия электоратини ташкил этади. 1945 йилда ташкил этилган партиянинг ўзига хос яна бир жиҳати шундаки, бугунги кунда партия ёшлар орасида то-

- Австрия Дунай дарёсининг ўрта оқими ҳавзасида жойлашган. Майдони қарийб 84 минг км². Аҳолиси 10 миллионга яқин. Аҳолининг ўртача зичлиги — 1 км² га 90 киши. Йирик шаҳарлари Вена, Грац, Зальцбургдир.
- Давлат тузumi: Амалдаги конституция 1920 йилда қабул қилинган ва унга 1929 йили ўзгартишлар киритилган. Давлат тузилиши шакли жиҳатдан Австрия — федерация (иттифоқ давлат). Давлат бошлиғи — федерал президент бўлиб, 6 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг икки палатали парламент: миллий кенгаш (қуйи палата) ва федерал кенгаш (юқори палата) амалга оширади. Ижроия ҳокимиятнинг федерал президент ва у томонидан тайинланган федерал канцлер бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.
- Давлат тили — немис, пул бирлиги эса евро. Саноати: металлургия, машинасозлик, озиқ-овқат, тўқимачилик, энергетика, целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган.

Рангин дунё

Стокгольмдаги ҳайкалтарошлик музейи

Ун икки оролдан таркиб топган Стокгольм ҳар томондан сув билан ўралган. Айниқса, эски шаҳар қисмидаги рицарлар саройи, ўрта асрларга хос уйлар, тор-танқис кўчалар ва улarga улашиб кетган осмонупар бинолари ўта замонавий меҳмонхоналар шаҳарга ўзгача ҳусн-тароват бериб туради. Яна шведлар пойтахти ўзининг ажабтовур ҳайкалтарошлик боғ-музейи билан ҳам дунёга машҳур.



уларни боғлаб турувчи зина ва йўлаклар ўзаро яхлитликни таъминлайди. Айрим ҳайкалтарошлик намуналари баланд дарахлар ёнига, қолганлари очик майдончалар бўйлаб ўрнатиб чиқилган. Боғ асосининг асарлари ўзининг оригиналлиги ва чуқур маънога эгаллиги билан ҳам ажралаб туради. Фақат мрамардан ясалган ҳайкаллардагина реалистик кайфиятни англаш мумкин. Улар одатий кўринишдан йироқ бўлиб, одамнинг қиёфаси жиёл бошқачароқ тарзда кўрсатил-

ган. Шунга қарамай, ҳайкалтарош ўз асарларида ҳаётнинг чуқур мазмун-моҳиятини очиб бера олган. Масалан, қанотли Пегас отини олайлик. Узоқ-узоқларга уяёлган от негидир ёнбошлаб қўйилган. Отнинг устида эса чавандоз-шоир ўтирибди... Миллес боғида алоҳида ишланган ҳайкаллардан ташқари йирик композицион асарлар ҳам учрайди. Энг қизиги, боғдаги ҳайкаллар шаҳар кўчаларига ўрнатилганларидан кескин фарқ қилади. Уларда аллақандай ҳаётчилик ва бегубор-

лик сезилиб туради.

Боғ учта асосий террасадан иборат бўлиб, тўғри Вертан бўғозига олиб чиқади. Музейга бўғознинг юқори қисмидан кирилади ва айнан шу ердан туриб боғ манзарасини кузатиш мумкин. Айниқса, боғдаги монументал фигура ва фаввораларни юқоридан туриб томоша қилишнинг завқи бошқача. Боғ худудидан порт ва улкан кемалар шундоқ кўриниб туради. Музейда нафақат Миллес, балки дунёга машҳур ҳайкалтарошларнинг асарлари, йирик монументал фавворалар ҳам бор. Улар сирасига "Европанинг ўғирланиши", "Посейдон" каби яна бир неча фавворалар киради. Айнан шу фавворалар боғнинг янги асарлари денгиз маҳлуқларини яратиш гоёсини ҳам берган. Ҳайкалтарошлик музейининг қуйи қисмида эса чавандоз Фольк Фильбитер монументи жой олган. Ушбу афсонавий қахрамон қиёфаси Миллес томонидан яратилган. Уни ишлашда ҳайкалтарош табиий тошлардан кенг фойдаланган. Умуман олганда, бундай ўзига хос тош асарлар боғда жуда кўп бўлиб туради.

Интернет хабарлари асосида
Дилрабо РАҲМАТОВА тайёрлади

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Аҳоли эвакуация қилинган

АҚШнинг Колорадо штатида йирик сув тошқинлари кузатилмақда.

Ҳозир штатда фавворалар ҳолат жорий этилган. Хабарларга қараганда, қарийб 500 нафар аҳоли бедарак йўқолган, ҳалок бўлганлар ҳақида ҳам маълумотлар бор. Кутқарув хизмати ходимлари хавфли зонадан 4 мингдан зиёд фуқарони эвакуация қилган. Табиий офат оқибатида йўллар ювилиб кетган, 20 дан ортиқ кўприк бузилган. Кутқарув ишлари вертолётлар ёрдамида олиб борилмоқда. Сув тошқини юз берган худудларда алоқа воситалари ишламапти, электр таъминоти ҳам ишдан чиққан.



Авалло тоза ичимлик суви даркор

Мексикада ширин ичимликлар учун солиқ жорий қилинмақда.

Хабарларга кўра, мамлакат президенти томонидан ширин ичимликлар учун солиқ жорий этиш таклиф қилинган. Унга кўра, Мексика фуқаролари ҳар бир литр алкоғолсиз ширин ичимликлар учун бир песо (7,6 цент) тўлашига тўғри келади. Қонун чиқарувчилар аҳолига кўпроқ таъсир қилиш учун солиқ миқдорини янада кўтаришни таклиф этмоқда. БМТ маълумотларига қараганда, Мексикада аҳолисининг сони 100 миллион кишидан бошланадиган мамлакатларга қараганда семириш касаллиги энг кўп тарқалган. Шунингдек, 120 миллиондан зиёд аҳоли истикомат қиладиган мамлакат Кока-Кола ичимлигини аҳоли бошига истеъмол қилиш бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. Кузатувчиларнинг фикрича, жамоат жойларида тоза ичимлик сувининг танқислиги ҳам ичимлик сувларининг кўп истеъмолига сабаб бўлмақда. Шу жиҳатдан мамлакатда аввало истеъмол сувларини йўлга қўйиш муҳим масалалардан эканини таъкидлашмоқда мутахассислар.



100 ёшдан ошганлар

Японияда узоқ умр кўрувчилар сони 55 минг кишига етган.


Кунчиқар юртда ёши 100 дан ошганлар сони ортимоқда. Маълумотларга қараганда, 2013 йилда юз ёшдан ошган японларнинг сони ўтган йилга қараганда 3021 нафарга кўп. Ушбу кексаларнинг 6791 нафари эркек, 47606 нафари аёллардан иборат. Уларнинг орасида Осакада яшовчи Мисао Окава исмли аёл энг кекса бўлиб, у август ойида дунёдаги энг кекса инсон сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган.

3 метрлик астероид

Пайшанбага ўтар кечаси Ер сайёраси яқинидан 3 метрлик астероид учиб ўтади.

Олимларнинг сўзларига кўра, 18 сентябрдан 19 сентябрга ўтар кечаси тахминан уч метрли фазовий объект Ер яқинидан учиб ўтиши кутилмоқда. Астероидга 2013 RZ53 рақами берилиб, унинг кашф этилиши австралиялик олимлар томонидан тасдиқланган. Олимларнинг ҳисоб-китоби-ча, мазкур самовий jisмининг ўлчами 1-3 метрдан иборат. Мутахассисларнинг фикрича, объект космик чиқинди парчаси ёки метеорит урилиши туфайли ойдан ажралаб чиққан тош парчаси бўлиши мумкин.

Астероид Ердан 235 минг километр масофада учиб ўтиши керак, бу ой орбитаси радиусининг ярмидан сал кўп. Унинг тезлиги астероид учун жуда пастлиги ҳам қайд этилмақда.



Ҳайкалтарошлик музейи ёхуд Миллес боғи шаҳарнинг Эндинг туманида, бўғознинг энг баланд қисмида жойлашган. Боғдаги ҳайкалтарошлик асарлари бир-бирига ўтиладиган терраса, яъни зинапояларга ўрнатилган бўлиб, швед устаси Миллеснинг ижод махсули ҳисобланади. Қолаверса, боғ ичидаги уйда ҳайкалтарош томонидан ишланган яна бир нечта асарлар, шунингдек, қадимий Миср, Ҳиндистон, антик ва ўрта аср тарихига оид ўта ноёб ҳайкалтарошлик намуналарини томоша қилиш мумкин.

Миллес XX аср бошидаёқ ўзининг ҳайкалтарошлик музейини барпо қилишни орзу қилган. 1906 йили бу орзу қисман бўлса-да амалга ошади. У Стокгольм чеккасида (ўша пайт) ер участкасини сотиб олиб, уни доимий равишда кенгайтиришга муваффақ бўлган. Орадан икки йил ўтиб, бу ерда Миллес ўзи ва рафиқаси Ольга (рассом) учун уй солади. Бу ерда улар 1931 йилгача, ундан кейин эса 20 йил АҚШда яшайдилар. Миллес умрининг охириги кунларини (1955 йилга қадар) ўзи орзу қилган боғда ўтказадди. Бироқ, унинг боғи аллақачон халқ мулкига айланиб бўлган. Боғ ва ундаги барча коллекциялар 1936 йилдаёқ Миллес томонидан стоқгольмликларга инъом қилинади. 30-йиллар охирига бориб, боғ эшиклари омма учун очилди.

Боғ-музейни ҳақиқий маънодаги санъат асарига қиёслаш мумкин. Унинг ҳар бир қарич ери, галерея ва устунларигагина Миллес томонидан лойиҳалаштирилган. Боғдаги террасалар,

Миллес боғи Европадаги энг биринчи ҳайкалтарошлик боғ-музейи ҳисобланади. Боғ ҳайкалтарош макон бўлибгина қолмай, ҳақиқий санъат илҳомландирининг борар жойи ҳамдир. Чунки, бу каби боғлар, уларда-



Миллес боғи Европадаги энг биринчи ҳайкалтарошлик боғ-музейи ҳисобланади. Боғ ҳайкалтарош макон бўлибгина қолмай, ҳақиқий санъат илҳомландирининг борар жойи ҳамдир. Чунки, бу каби боғлар, уларда-

ги ажабтовур ҳайкаллар инсонни ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди. Бу каби ноёб санъат асарлари шунчаки яралмаган. Уларнинг ҳар бири ўз тарихи, мақсади ва маъносига эга. **Зафар МУҲАММАД**

Танга малҳам, кўзга зиё

Асосан зирavor сифатида фойдаланиладиган арпабодийн ўзининг шифобахш жиҳатлари билан ажралиб туради. Халқ таботатида у қадим замонлардан буюн меъда ва ичак хасталикларини даволашда қўлланилиб келинаётгани бунинг далилидир.



Абу Али ибн Сино асарларида ёзилишича, арпабодийн кўзни равшан қилиб, илғаш хусусиятини оширади, меъда яллиғланшига ижобий таъсир кўрсатиб, кўнгил айнишига барҳам беради. У, айниқса, буйрак ва қовуққа фойдали бўлиб, улардаги тошни нурадатади. Шунингдек, жигардаги тикилмаларни очиш ва пешоб ҳайдаш хусусиятига ҳам эга. Арпабодийн меваларидан тайёрланган чой оғвак ҳазмини яхшилайдиган. Уни юқори қон босим йўллари яллиғланган кишилар истеъмол қилса, балғамни осон қўчиради. Мамлакатимизда арпабодийннинг Рум бодийни тури учрайди. У терлатиш хусусиятига эга бўлиб, уйқуни қочиради ва оғриқларни қолдиради. Бундан ташқари, юз салқини, қўл-оёқ шишларида яхши самара беради. Бугунги кунда замонавий тиббиётда арпабодийн меваларидан тайёрланган давлалама ва унинг ёғи ларингит, трахеит, бронхоэктаз, ўпка қорасони ва кўкйўталини даволашда ишлатилади. Арпабодийн таркибида 8-24 фоизгача ёғ, 3,2 фоиз эфир мойи бор. Мойида эса 85-90 фоиз атенол, 10 фоиз метил хавикол, ўзига хос альдегид кетони ва арпабодийн кислотаси мавжуд. Арпабодийн шифокор маслаҳатида кўра истеъмол қилинган маъқул.

БИЛАСИЗМИ?

Машҳур ихтирочи Томас Эдисон Калифорниянинг бир четидан ер сотиб олиб у ерда ўз ихтироларини синаб кўра бошлади. 1908 йилдан бошлаб бу ерда дастлабки кино олиш майдончаси қурилди. Бу жой сал кейинроқ Голливуд деб номланди. Бу ерда олинган биринчи фильмининг номи "Граф Монте-Кристо" эди. Голливуд тарихи ана шундай бошланган.

Таниқли океанограф Жак Ив Кустонинг "Сукутли дунё" фильми сув остида суратга олинган бўлиб, рангли киноплёнкага туширилган биринчи фильм ҳисобланади.

ТУРФА ОЛАМ

Энг кичик автомобиль

САЙЁРАМИЗДАГИ ЭНГ КИЧИК АВТОМОБИЛНИНГ УЗУНЛИГИ АТИГИ 126 САНТИМЕТРНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ.



2014 йили Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олиши кутилётган ушбу машина америкалик ихтирочи Остин Коулсон томонидан ясалган. — Тўғри, бундай автомобилни бошқаришга ҳамма ҳам жазм қилолмас керак. Лекин, менинг "миттивойим" одатий транспорт воситаларидан сира қолшмайди, — дейди О.Коулсон. Ёқимтой "миттивойи"нинг ўлчамлари ҳам шунга яраша: бўйи 63,5, эни 65,41 ва узунлиги 126,47 сантиметр. Дунёдаги энг кичик автомобиль соатига 53 километр тезликда ҳаракатлана олади.

Учувчи почталъон

ХИТОЙНИНГ ЙИРИК SF EXPRESS ПОЧТА ХИЗМАТИ ПОЧТАЛЪОН РОБОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУҚУКИНИ ҚўЛГА КИРИТГАН.



Манбада келтирилишича, махсус робот-дронлар 3 килограммгача бўлган юкни манзилга етказиб бера оларкан. SF Express компанияси улардан мамлакатнинг энг чекка ҳудудларига хат-хабарлар етказиш мақсадида фойдаланишни айтмоқда. Почталъон-роботлар GPS орқали кўлда бошқарилади. Қурилма 100 метр баландликка кўтарилиш хусусиятига эга. Мухими, ушбу учувчи почталъонларга ҳақ тўланмайди. Улар батареякаларда ишлагани боис ёқилгига ҳам зарурат йўқ. Қолаверса, қурилма хат, газета ва журналларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни анча камайтиради экан.

3.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони 30 дона қуйдаги конфигурациядаги компьютерлар ва 30 дона Canon 2900 русумли принтер аппарати сотиб олиш учун тендер эълон қилади. Компьютер конфигурацияси: CPU Celeron 430 1.8 GHz/Motherboard H61/DDR III 2Gb/ DVD RW/ SVGA/interated/ 10-100 Lan&Sound interated/ Case ATX 400 w/ клавиатура, сичқонча, колонка, монитор LCD 18.5/ сетевой фильтр. Мурожаат учун телефонлар: 244-14-98, 239-45-53

Муסיқа



Ўзбекистон давлат консерваторияси

миллий-амалий санъат намуналари асосида зеб берилган, оғирлиги 22 тонналик, дунё миқёсида ноёб ва санокли бўлган орган — муסיқа асбобига эга

Истиқлол йилларида юртимизда гўзал ва маҳобатли иштироқлар бунёд этилди. Уларда энг аввало, республика-мизда олиб борилаётган ислохотлар самараси, халқимиз иродаси, салоҳияти-ю ишжозати ўз ифодасини топган. Шундай меъморий дурдоналаримиздан бири, миллий муסיқа санъатимиз рамзи, иқтидорли ёшларимизга қанот Ўзбекистон давлат консерваториясидир.



Мамлакатимизда профессионал муסיқа санъатини янада ривожлантириш, халқимизнинг бой маданий меросини асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш, илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш, муסיқий таълимнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда замон талаблари даражасида малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласига давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ давлатимиз томонидан сиёсий-ижтимоий масалалар баробарида халқимизнинг миллий мерос ва қадриятларини қайта тиклаш каби вазибалар белгилаб олинди. Зеро, бизнинг аجدодларимиз дунёга "шашмақом", "катта ашула", дostonу лапарлар каби бетакорр ва жозибадор муסיқий жавоҳиротларни ҳақда қилди. Улар ҳозирги кунда ҳам жаҳон классикасининг энг ноёб ва юксак намуналари қаторидан жой олиб келмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2002 йил 22 мартдан эътиборан Ўзбекистон давлат консерваторияси жамоаси янги бинода фаолият кўрсата бошлади. Айтиш жоизки, мазкур бинода халқимизнинг бой муסיқий аъёнлари ҳақиқий маънода ўз ўрнини топди. Энг замонавий ускуналар, жиҳоз ва чолғу асбоблари билан таъминланган мухташам санъат саройининг умумий майдони—35,180 квадрат метрни ташкил қилади. Аудиториялари сони — 305 та бўлиб, 4 та концерт зали (Катта, Кичик, Орган ва Камер), бир нечта овоз ёзиш студиялари, Миллий чолғу асбоблари музейи, Ихтисослаштирилган музиқий-тадқиқот маркази, «Муסיқа» нашриёти, фонотека ва 4 та спорт зали ўқитувчи, талаба ва ўқувчиларнинг илмий-ижодий, ижрочилик ва тадқиқот ишларини самарали олиб боришлари учун хизмат қилади.

Консерватория жамоасининг ижодий тарихига назар солар эканмиз, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига жиддий эътибор қаратилганига гувоҳ бўлдик. Мазкур даргоҳнинг бошида турган композиторлар Мухтор Ашрафий, Алексей Коз-

лик уста сошлаш ва зеб бериш жараёнида ўзбек халқ бадий ижодиётини кунт билан ўрганишига тўғри келган.

— Консерваторияда ўқув жараёни билан бир қаторда ижодий фаолият муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ўқув юрти қошида муסיқали театр-студия, симфоник оркестр, хор, талабалар симфоник оркестри, ўзбек халқ дамли ва эстрада чолғулари оркестрлари, ансамбллар, хор жамоалари ва торли чолғулар квартетлари фаолият кўрсатиб келаётир. Улар консерваторияда олган билим ва маҳоратларини турли хил концерт дастурлари орқали намойиш этиб келишмоқда. Консерватория жамоаси йилга 300 дан зиёд концерт дастурларини тайёрлайди. Айниқса, Ўзбекистон Бастакорлари уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар Республика қўмитаси, халқаро жамғарма ва элчихоналар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирлар алоҳида ўрин тутди. Айни пайтда консерваториянинг концерт-ижрочилик фаолиятига 80 дан зиёд республика ва халқаро танлов совриндорлари ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Консерваториянинг илмий йўналишидаги фаолияти асосан Марказий Осиё ва жаҳон халқлари муסיқа ижодиёти, тарихи, мероси ва ижрочилик масалаларига бағишланган. Биргина мустақиллик даврига келиб профессор-ўқитувчиларимиз ҳаммуаллифлигида 80 дан зиёд илмий тадқиқотлар, дарсликлар, ўқув қўланма ва нота тўпламлари нашр қилинди, — дейди С.Қосимхўжаева.

Қолаверса, консерватория ўзининг катта кутубхонасига эга. Кутубхона бўлимларида тизимлаштирилган илмий адабиёт, нота, кўл ёзма ҳамда партитуралар фонди мавжуд. Шу билан бирга консерватория фондида диссертациялар, авторефератлар, ўқув дастурлари, педагог ва талабаларнинг илмий изланишлари, диплом иши ва магистрлик диссертациялари ҳам сақланади. Консерватория кутубхонаси абонент бўлими ва бир нечта ўқув хоналарига эга. Бу ерда педагог ва талабаларга тезкор ва малакали хизмат кўрсатилади. Қолаверса, муסיқа саройида замонавий компьютерлар билан жиҳозланган ўқув-ресурс маркази ҳам ишлаб турибди.

Бугунги кунда Ўзбекистон давлат консерваторияси ва унинг мухташам янги биноси нафақат пойтахтимиз, балки республика миқёсида, қолаверса, Марказий Осиёдаги энг нуфузли муסיқа даргоҳи саналади. Зеро, унинг босиб ўтган ижодий йўли, эришган ютуқлари, муסיқа соҳасида юқори малакали кадрларни етиштириб келатгани нуфузли даргоҳ сифатида эътироф этишга тўла асос беради.

Зафар МУХАММАД, «Миллий тикланиш» мухбири

Маданият хабарлари

Нур ва соя

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида ёш rassom Санжар Жабборовнинг биринчи шахсий кўргазмаси очилди.

Кўргазмага муаллифнинг 30 дан ортиқ энг сара ижод намуналари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилган. Санжар 1986 йили Гулистон шаҳрида таваллуд топган. 2008 йили Камолiddин Бехзод номидаги Миллий rassomлик ва дизайн институтининг санъат дизайни бўлимини тамомлаган. 2008 йилдан Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси қошидаги "5+1" ижодий гуруҳининг аъзоси. 2007-2013 йилларда санъат соҳасида республика ва халқаро миқёсда қатор кўргазмалар иштирокчиси. С.Жабборовнинг кўргазмага қўйилган асарларида инсонларнинг руҳий ҳолати, лирика, турмушнинг ўзига хос фалсафаси, унинг ички дунёси ва фазовий кенгликлари, сирли аёл образлари ранглар орқали маҳорат билан тасвирлаган. Ижодкорнинг хис-туйғулари, дунёқараши акс этган бу асарлар кишини мулоҳаза қилишга чорлайди. Уларда жонли хиссиёт қолдиради.

Х.АБДУНАЗАРОВ

Анъана давом этади

Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган муסיқа академик лицейининг Катта залида "Болалар-болаларга" деб номланган хайрия концерти ўтказилди.

Анъанага кўра, хайрия концерти 2012 йилдан буюн ҳар ойда ўтказиб келинади. Бу галги концертда хозирги кунда чет элларда таҳсил олаётган лицейининг собиқ битирувчилари қатнашишди. Бундан ташқари, концерт дастурида лицейининг 2 курс ўқувчиси, республика ва халқаро танловлар совриндори Жамшид Саидқаримов ҳам иштирок этди. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фонд Форум ҳамда Успенский номидаги РИМАЛ томонидан амалга оширилди. Хайрия концертини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад оқ қон билан касалланган болаларга моддий ёрдам кўрсатишдан иборат. Бу сафар ҳам анъанага кўра ушбу концертдан тушган маблағ касалманд болаларга дори-дармон сотиб олиш учун сарфланади.

3. МУХАММАД

Америка киноси фестивали

20-22 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги Алишер Навоий кино саройида АКШШ элчихонаси ҳамда "Ўзбекистон" миллий агентлиги ҳамкорлигида йилда бир маротаба ўтказилган VI Америка киноси фестивали бўлиб ўтди.

Бу йилги фестиваль мавзуси «АКШ бўйлаб саҳнат» деб номланади. Намойиш этиладиган фильмлар АКШ штатлари, америкаликларнинг ўзига хос турмуш тарзи, шунингдек, умумий америкача қадриятлар ва урф-одатлар ҳақида хикоя қилади. Ҳар бир кино намойиши олдин Америка маданияти ҳақидаги викторина ўтказилади ва бу викторина саволларига тўғри жавоб берган томошабинларга китоблар ва DVD дисклар тақдим этилади. Кинофильмларга кириш bepul. Намойиш этиладиган фильмлар режиссига "Ғазаб эврилишлари", "Нью-Йорк, Нью-Йорк...", "Шейн", "Акажон, қаердасиз?", "Менинг жианим Вилли", "Дарё оқими бўйлаб" деб номланган фильмлар ҳамда "Америкача воқеа: Фивель Фарбга кетмоқда" номли мультипликацион фильм киритилган. Мазкур фильмлар инглиз тилида, субтитрлар ёрдамида намойиш этилади.

"Туркистон-пресс"